

**Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси
Академияси**

Мадиева Дилшода Наби қизи

**Жиноят процессида тарафлар тортишуви: муаммолар
ва уларни бартараф этиш масалалари**

5A240123 – Коррупцияга қарши курашиш

Магистлик диссертацияси

**Илмий раҳбар: Юридик фанлар
номзоди, ўқитувчи Шодиев Ғ.М.**

Тошкент-2020

Кириш.....	3-10
I БОБ. Жиноят процессида тортишув принципи ва унинг аҳамияти	
1.1. Жиноят процессида тортишув принципи тушунчаси ва моҳияти.....	11-17
1.2. Жиноят процессида тортишув принципининг бошқа принциплар билан алоқадорлиги.....	18-28
1.3. Жиноят процессида тортишув принципинини амалга оширишга оид хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	28-36
II БОБ. Жиноят процессида тарафлар тортишувни амалга ошириш боғлан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари	
2.1. Жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичида тортишув принципини амалга ошириш масалалари.....	37-45
2.2. Ҳимоя ҳуқуқини кенгайтириш тортишув принципини таъминлаш воситаси сифатида.....	46-54
2.3. Судда иш юритиш босқичида тортишувни такомиллаштириш масалалари.....	55-60
Хулоса.....	61-65
Фойдаланилган адабиётлар.....	66-71
Иловалар.....	72-82

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланганлиги ва долзарблиги. Дунёда жиноят процессида тарафлар тортишувини таъминлаш ва уни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, жиноят процессини тарафлар тортишувига асосан олиб борилиши ҳақиқатни аниқлаш, адолатни рўёбга чиқариш ва инсон ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу билан бирга, бугунги кундаги суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиноят процессида тортишув тамойилини янада такомиллаштириш белгилаб кўйилган. Жиноят процессида тортишув принципини таъминлаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларнинг жиноят процессида тортишув принципини амалга ошириш борасида тарафларнинг процессуал тенглигини кўрсатади. Ундан ташқари, хорижий давлатларда тортишув принципи нафақат судда иш юритув босқичида, балки ишни судга қадар юритиш босқичида ҳам намоён бўлиши, ҳимоячининг айблов томони билан процессуал жиҳатдан тенглиги ҳамда суд муҳокамасидаги тортишув жараёнида суднинг фаол иштирокини инкор этиш каби тажрибаларни ўрганиш тортишув принципнинг замонавий моделини яратилишига имкон беради.

Жаҳонда жиноят процессида тарафлар тортишувини таъминлаш ва уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, тортишув асосида иш юритилишининг зарурияти ва хусусиятлари, тарафлар тортишувининг томонлари бўлган ҳимоя, айблов ва ишни ҳал қилиш функциясини амалга оширувчи суднинг ваколатларининг тавсифи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Қайд этиш жоизки, ривожланган хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги процессуал қонунчилиги нормаларининг ижобий ютуқлари ва бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш асосида миллий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда

хуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари кенг камровли дастурий тадбирлар асосида изчил амалга оширилмоқда. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш; жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш; адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш¹ каби муҳим вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сон қарорига асосан, жиноят-процессуал тамойиллар тизимини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, адвокатларнинг процессуал ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш орқали тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини амалда рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ишларга оид асосларни кенгайтириш каби вазифалар белгиланган. Ундан ташқари, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган маърузасида, “Адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарурлиги ва бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатларнинг ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиши, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганлиги танқидий баҳоланган”².

Бу эса мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлашда жиноят процессида тарафлар тортишувини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий ўрганишни тақазо этади. Шу сабабли, бугунги кунда жиноят процессида тортишув принципининг ҳуқуқий табиати, аҳамияти, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ва қўлланилишига доир муаммоларини аниқлаш, самарали ечим топишига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонун (1996), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. www.xs.uz/tu. №254 (7453) 2019 йил 8 декабрь.

2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонларига, “Жиноят ва жиноят-процессуал конунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори (2018), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид конунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор ва соҳага оид бошқа конун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг мақсади. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади жиноят процессида тортишувчилик принципининг аҳамияти, унинг назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу масалаларни бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалар:

Биринчидан, жиноят процессида тортишув принципи ва унинг моҳияти ҳамда бошқа принциплар билан боғлиқлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш;

Иккинчидан, жиноят процессида тортишув принципини амалга оширишга оид хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

Учинчидан, тортишув принципи нафақат судда иш юритув босқичида амалга оширилиши, балки унинг белгилари ишни судга қадар юритиш босқичида ҳам намоён бўлиш хусусиятларини асослаб бериш;

Тўртинчидан, жиноят процессида ҳимоячининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш масалаларига оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

Бешинчидан, судда иш юритиш босқичида тортишувни такомиллаштириш масалалари, хусусан, суд муҳокамасида судьянинг фаол иштирокини камайтириш, суд терговини амалга ошириш тартибини ислоҳ қилиш аҳамиятини таҳлил қилиш;

Олтинчидан, тортишув принципининг илмий-назарий ва амалий таҳлили асосида жиноят-процессуал кодексини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахсларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бериши, дастлабки тергов органларининг қамоққа олиш (уй қамоғи) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамоққа олиш (уй қамоғи) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш муддатини узайтириш, шахсни лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномалар юзасидан кўриладиган суд иш юритуви жараёнлари орқали ишни судда кўриш босқичида тортишув тамойили амалга оширилиши асослаб берилган;

ҳимоячига шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг хулосасини олиш ҳуқуқини бериш асослаб берилган;

ҳимоячининг процессуал тенглигини таъминлаш мақсадида жиноий процессуал ҳужжатлар тизимида айблов хулосаси билан бир қаторда жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айбсизлиги баён қилинган ҳимоя тарафидан келтирилган далилларни ўз ичига олувчи ҳимоя хулосани бўлиши кераклиги асослаб берилган;

суд терговида амалга ошириладиган далилларни текшириш навбати бўйича айблов томон биринчи бўлиб далилларни тақдим этиши муҳимлиги асослаб берилган;

суд терговида судланувчини тарафлар томонидан сўроқ қилиш кетма-кетлигини белгилашда, судланувчини биринчи бўлиб ҳимоя томоннинг иштирокчилари сўроқ қилиши кераклиги асослаб берилган;

судда раислик қилувчининг судланувчи, гувоҳ, экспертларга уларни сўроқ қилаётган томон билан бир вақтда савол бермаслиги ва барча процесс иштирокчилари саволларидан кейин ишдаги ҳолатларга аниқлик киритиш учунгина уларга саволлар бериши кераклиги каби таклифлар асослаб берилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ(таҳлил)и.

Жиноят процессида тортишув принципнинг илмий ва амалий муаммолари жиноят-процессуал ҳукуқи фани доирасида илгари ҳам ўрганилган. Зеро, ҳуқуқшунос олимлар жиноят процессида тортишув принципини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалаларига ўз илмий изланишлари доирасида жуда катта эътибор қаратганлар. Жумладан, Ф.М. Мухитдинов, Г.З. Тўлаганова, Ю.С. Пўлатов, С.Н. Мамадиев, Д.Б. Базарова, Ш.Х. Иномжонов, Б.А. Саломов, Н.И. Хайриевларнинг илмий ишларида жиноят процессида тортишувни такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ўрганилган³.

Чет эл ҳуқуқшунос олимлари, жумладан, Б. Шапиро, Т.Ю. Герасимова, О. В. Отчерцова, К.В. Андреев, К. Петерс, Т. Виллиам, Л.В. Головкин, И.В. Ревина ва бошқа олимларнинг жиноят процессида тортишувнинг умумий асослари билан боғлиқ илмий асарлари мавжуд⁴.

³ Мухитдинов Ф. М. Жиноят ишларини суд муҳокамасида тортишувчилик принципини амалга ошириш муаммолари: юрид.фан.ном. ... дисс. -Тошкент,1999; Тўлаганова Г.З. Дастлабки терговда тортишув //Адвокат. – 2006. - №4. – 9 б.; Пўлатов Ю.С., Тулаганова Г.З. Тергов ҳаракатларида ҳимоячи иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮУ.2018. -27б.; Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш: юрид.фан.ном. ... дисс. –Тошкент, 2010; Базарова Д.Б. Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса: дисс. ... канд. юрид. наук. –Тошкент, 2011; Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари: юрид.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2005; Саломов Б. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки: Амалий қўлланма. – Т.: Адолат,2007. – 472 б.; Хайриев Н.И. Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш жараёнларининг замонавий ҳолати // “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2014. – Б. 449-452.

⁴ Shapiro B. “Beyond Reasonable Doubt” and “Probable Cause”): Historical Perspectives on the Anglo-American Law of Evidence. –Berkeley: 1991. –Б.347.; Герасимова Т.Ю. Проблема реализации принципа состязательности на досудебных стадиях уголовного процесса: дис. ... канд. юрид. наук. –Краснодар, 2017; Отчерцова О. В. Проблемы реализации принципа состязательности в деятельности адвокат-защитника на стадии предварительного расследования: дис. ... канд. юрид. Наук. Москва, 2017; Андреев К.В. Процессуальные полномочия следователя и прокурора в рамках судебно-контрольных производств, реализуемых на досудебном этапе уголовного судопроизводства России: автореф. дис... канд. юрид.наук. Волгоград, 2012; Peters K. Strafprozess: Ein Lehrbuch. -Heidelberg-Karlsruhe: 1981. –Б.371; 27. William T. Pizzi, The American "Adversary System"?, 100 W. Va. L. Rev. 847 (1998), available at <http://scholar.law.colorado.edu/articles/647>.; Головкин Л.В. Постсоветская теория судебного контроля в досудебных стадиях уголовного процесса: попытка концептуального переосмысления // Государство и право. 2013. № 9. С. 29.; Ревина

Бироқ, юқорида қайд этилган муаллифлар олиб борган илмий тадқиқот ишларида жиноят процессида тарафлар тортишувини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳозирги замон тортишув принципи масалаларини комплекс равишда қамраб олмайди. Шу боис, жиноят процессида тортишувни таъминлаш билан боғлиқ мавжуд муаммолар юзасидан тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, жиноят процессида тарафлар тортишувининг муаммолари ва уларни бартараф этиш масалалари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят процессида тарафлар тортишуви, унинг муаммолари ва уларни бартараф этиш масалаларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланиш амалга оширишда билишнинг илмий усулларидан – тарихийлик, мантиқий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усуллар, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш ва бошқа методлардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, унда билдирилган таклифлар, хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизда жиноят процессида тарафлар тортишувини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, жиноят-процессуал ҳуқуқи фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва фан дастурларини тайёрлашда ҳам ушбу таклиф ва хулосаларга таяниш ижобий натижа беради.

И.В. Этическая природа взаимоотношений адвоката со следователем при заявлении ходатайств в досудебном производстве // Российский следователь. – 2006. – № 5. – С. 8.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 6 та параграфни қамраб олган 2 та боб, хулоса, фойдалантлган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 65 бетни ташкил этади.

I БОБ. Жиноят процессида тортишув принципи ва унинг аҳамияти

1.1. Жиноят процессида тортишув принципи тушунчаси ва моҳияти

"Принцип" тушунчаси бирор ҳодисанинг дастлабки бошланиши, назариянинг йўналишини белгилаб берувчи бошланғич нуқтани англатади. Жиноят процесси принциплари Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида мустақамланган асосий ғоялар бўлиб, у бутун жиноят процесси жараёнининг қурилишини, унинг табиатини белгилайди. Жиноят процесси принциплари деб, жиноят процесси институтлари шакли ва босқичларининг тузилишини белгиловчи ва унинг олдида турган вазифаларини бажарилишини таъминловчи асосий ҳуқуқий қоидалар (умумий ва раҳбарий аҳамиятга эга бўлган нормалар)га айтилади⁵. Ушбу принциплар жиноят процессининг мазмуни ва моҳиятини акс эттириб, унинг муҳим хусусиятлари ва аҳамиятли томонларини, шунингдек процессуал тартибга солишнинг предмети ва методларини характерлайди. Принциплар доим ўзида ҳуқуқнинг дастлабки нормаларини акс эттиради. Бошқа барча нормалар жиноят процесси принципларидан келиб чиқади.

Принцип нормалари императив характерга эга бўлиб, барча фуқаролар ва тегишли давлат органларига қаратилган бўлади. Жиноят процессини юритиш учун маъсул давлат органлари ўрнатилган принциплар асосида ҳаракат қилишлари шарт ва уларни бузиш билан боғлиқ бўлган оқибатлар учун жавоб берадилар.

Жиноят процесси принциплари ўз тизимининг элементлари сифатида ҳаракат қилади, яъни улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган асосий ҳуқуқий қоидалар тизимидир. Шу билан бирга, жиноят процесси тамойилларининг ҳар бири иштирокчиларнинг жиноят-процессуал фаолиятини амалга ошириш нуқтаи назаридан мустақил ҳуқуқий ҳодиса сифатида қаралиши керак. Тортишув тамойили жиноят процессининг

⁵ Саидов Б. А. Жиноят процесси принциплари: ўқув қўлланма / Б. А.Саидов, А.Ш. Умархонов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 192 б.

марказий, асосий принципларидан бири бўлиб, у жиноят-процессуал қонунчилигининг инъикоси ва маъносини англатади, жиноят-процессуал ҳуқуқининг кўп жиҳатларини ўзгартириб юборади. В.В. Новик ҳақли равишда "Низони адолатли ҳал этиш имкониятини яратувчи ва тўғри қарор қабул қилувчи тортишув ҳуқуқий маданиятнинг энг қимматли ютуғи деб эътироф этилади"⁶ деб таъкидлаган.

Тортишув принципи унинг иштирокчиларига қонунда белгиланган ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, ўзининг позициясини амалга оширишга имконият яратади. Бу ҳуқуқ тарафларга далиллар тўплаш, тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишни кафолатлайди.

Жиноят процессида тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили қуйидаги асосий элементлар билан характерланади:

-ўз вазифаларини амалга оширишлари учун тарафларга тенг процессуал ҳуқуқларнинг берилиши;

-айблов ва ҳимоя вазифаларининг одил судлов вазифасидан ажратилиши ва уларнинг бир биридан алоҳидалиги;

-суднинг процессда мустақил ва холис бўлиши ва фақат унгагина иш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши.

Тортишув принципи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра биринчи инстанция судининг суд мажлисида ва ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юртиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши белгиланган. Яъни, амалдаги қонунчиликда тортишув принципининг амалга оширилиши фақат судда иш юритув босқичида намоён бўлиши, тарафлар фақат шу босқичда ҳуқуқий баҳсга кира олишлари мумкинлиги кўрсатилган. Лекин,

⁶ Новик В.В. Состязательность сторон и противодействие адвоката уголовному преследованию: процессуальные и криминалистические аспекты // Вестник криминалистики. 2007. Вып. 2. С. 15.

жиноят процессуал қонунчилигида судгача бўлган босқичда ҳам тортишув принципининг рўёбга чиқиши, тарафларнинг ўзаро тортишувини юзага келиши учун имкониятлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, дастлабки тергов органлари шахсни жиноий қилмишни содир этганлигига оид далиллар тўплаш, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва унинг қилмишини фош этиш, жиноий фаолиятига барҳам беришга доир ишларни амалга ошириш, жиноят ишини кўзғатишга оид ишни ҳал қилиш орқали ўзининг айблаш функциясини амалга оширадilar. Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси эса айбсизликни инкор қилувчи далилларни тўплаш ва тақдим этиш, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ноқонуний ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ваколатлари орқали ҳимоя функциясини амалга оширади.

Ф.М. Мухитдинов дастлабки тергов босқичида тортишув принципининг баъзи элементлари мавжудлигига кўшилган ҳолда, инкор этувчи ҳолатларни ҳам санаб ўтади. Хусусан, “Суриштирувчи, терговчи ва прокурор дастлабки терговда фақат тергов функциясини амалга оширади, бу функциянинг асосий йўналиши ва мақсади тергов органининг исбот этилиши лозим бўлган жиноий ҳодиса юзасидан ҳамда айбловни асосли эканлигини кўрсатувчи ва айбланувчининг фойдасига далилларни тўлиқ, ҳолисона аниқлаш ва тўплашдан иборат. Шундай экан, судгача бўлган босқичда терговчи, суриштирувчи ва прокурор нафақат айблов вазифасини, балки оқлов ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни тўлиқ аниқлаш”⁷ билан шуғулланади деб изоҳлайди.

М.С. Жамборов жиноят процессининг судгача босқичларида тортишув тамойилининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирганда, “Тортишув тамойилининг мазмуни ҳар бир томон учун ҳуқуқий позицияни мавжуд далиллар асосида ҳолис суд олдида қарама-қарши томоннинг далилларини рад

⁷ Мухитдинов Ф. М. Жиноят ишларини суд муҳокамасида тортишувчилик принципини амалга ошириш муаммолари: юрид.фан.ном. ... дисс. -Тошкент,1999

этиш имкониятини берувчи жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш усули”⁸ сифатида қараса, И.В. Смолкова, "Томонларнинг тортишув принципи хусусияти жиноят процессининг мустақил, ўзаро кесишиш принципи тоифасига киради"⁹- деб таъкидлайди.

С.Д. Шестакова эса жинойи жараённинг судгача босқичларида тортишув тамойилининг мавжудлиги ҳақида гапириб, ҳимоя ва айблов томонининг, шунингдек суднинг турли функцияларини кўрсатади. "Бундай ҳолатда айблов дастлабки тергов органлари томонидан олиб борилади ва амалга оширилади, бошқа томондан эса гумон қилинувчи (айбланувчи) ва унинг адвокати ҳимояни олиб боради. Низоли масала бўйича якуний қарор судга тегишли”¹⁰.

Юқоридаги процессуалист олимлар томонидан билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда, жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида тортишув тамойилининг мавжудлигини қуйидагича изоҳлаймиз:

- тортишув муҳитида фаол равишда, ўзининг позицияларини қўллаб-қувватлаш учун судга далилларни тақдим этадиган ва қарши томоннинг далилларини рад этадиган иккита қарама-қарши томоннинг мавжудлиги;

- томонлар ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун ҳуқуқий имкониятларга эгаллиги;

- мустақил орган ва низо юзасидан қарор қабул қилувчи суднинг мавжудлиги ҳисобланади.

Масалан, жиноят процессининг дастлабки тергов босқичида судга дастлабки тергов органларининг айбланувчи(гумон қилинувчи)га қамоққа олиш, уй қамоғи шаклида эҳтиёт чорасини танлаш ёки қамоққа олиш, уй қамоғи муддатини узайтириш ва шахсни лавозимидан четлаштириш тўғрисида илтимосномаси тақдим этилса, қамоққа олиш ёки бошқа мажбурлов

⁸ Жамборов М.С. Конституционный принцип состязательности как способ аргументированного обоснования правовой позиции сторон в Российском судопроизводстве // Актуальные проблемы российского права. 2013. № 4. С. 424.

⁹ Смолькова И.В. Принцип состязательности в российском уголовном судопроизводстве// Избранные статьи. Иркутск: БГУЭП, 2014. С. 94

¹⁰ Шестакова С.Д. Состязательность уголовного процесса. СПб.: Юрид. центр Пресс, 2001. С. 304.;

тарзидаги эҳтиёт чорасини қўлламаслик ёки бузилган ҳуқуқларини тиклашни истаган гумондор, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ҳам суд орқали ўзини ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қилиб, томонлар мавжуд вазиятда ўзларининг қонунда белгиланган процессуал ваколатларини синаб кўриш орқали судга таъсир ўтказадилар.

Умуман олиб қараганда, тортишув тамойили процессуал ҳуқуқларнинг тенглигини, томонларнинг ўз далилларини тақдим этиш қобилиятини ва бир томоннинг иккинчисидан устунлигини олдини олишни назарда тутати. Тарафлар ҳуқуқий тортишув олиб боришлари учун барча процессуал масалаларда тенг бўлишлари, ҳуқуқларини амалга оширишда эса зарур процессуал воситалар билан таъминланган бўлишлари керак. Масалан, ҳимоя тарафи субъектлари гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларга жиноят иши қайси тилда юритилишидан қатъий назар, ўз она тили ёки улар сўзлашадиган бошқа тилларда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этилишининг кафолатланиши айнан шу воситалардан биридир.

Шу билан бирга, тортишувнинг аҳамияти шундаки, бу тамойил муҳофаза ҳуқуқининг асосий кафолати эканлигига ишонамиз, чунки ҳақиқатни ўрнатиш фақат ижобий ва салбий томонларни ҳисобга олиб, фикрларни таққослаш орқали амалга оширилиши мумкин. Тортишув тамойилига риоя қилмаслик аслида гумон қилинувчининг (айбланувчининг) ҳимоя қилиш ҳуқуқининг бузилиши, адолат тамойилларини инкор этиш ҳисобланади.

Тортишув тамойилининг процессуал қоида даражасига кўтарилиши жиноий жавобгарликка тортиш ва суд фаолиятини амалга оширадиган органларнинг вазифаларини ажратиш, шунингдек муайян функцияни амалга оширадиган субъектлар доирасини аниқлашни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасига мувофиқ, жиноят иши судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал этиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Шунга асосан, прокурор айбловни

қўллаб қувватлаш, ҳимоячи ҳимоя қилиш, суд эса ишни ҳал қилиш вазифасини бажариши лозим ва бу вазифалардан улар озод этилмайдилар.

Жиноят процессуал олимлар суд муҳокамасида тортишувни таъминлашнинг энг муҳим шарти холис суд эканлигини таъкидлашади. Жумладан, А.В. Смирнов ушбу тамойилнинг моҳиятини аниқлайдиган рақобатнинг қуйидаги асосий хусусиятларини санаб ўтади:

1. Прокуратура (ёки жиний таъкибни амалга оширувчи субъектлар) ва ҳимоядан иборат икки қарама-қарши томоннинг мавжудлиги;

2. Процессуал тенглик ёки томонларнинг тенглиги, чунки танлов рақиб томонлар тахминан бир хил ҳуқуққа эга бўлгандагина адолатли деб ҳисобланиши мумкин;

3. У ёки бу томонни қўллаб-қувватлаш ваколатига эга бўлмаган, низо юзасидан қарор қабул қилувчи бетараф суднинг мавжудлиги ҳисобланади¹¹.

Б. А. Саидов эса айтиши пайтда, суд жиний таъкиб органи эмаслигини, айблов ёки ҳимоя тарафида турмаслигини ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларидан бошқа бирор-бир манфаатларни ифодаламаслиги лозим. У холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб бериши керак. Агар суд ўз зиммасига ҳам айблаш ҳам ҳимоя қилиш ҳам ишни ҳал қилиш вазифасини олган ҳолда ҳукм чиқарган бўлса, бунда судда ишларни юритишда тортишув принципи қўпол равишда бузилганлиги аниқланади ва бундай ҳукм бекор қилиниши керак¹², деб таъкидлайди.

Н.Н. Полянскийнинг "Тортишув бу томонларнинг рақобатидан иборат бўлган, суднинг иш юритишдаги фаол иштироки билан тўлдирилган ва назорат қилинадиган ҳақиқатни аниқлаш усулидир"¹³-деган фикрига қўшила

¹¹ Смирнов А.В. Состязательный процесс. СПб.: Альфа, 2001. С. 19–27

¹² Саидов Б. А. Жиноят процесси принциплари: ўқув қўлланма / Б. А.Саидов, А.Ш. Умархонов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 192 б.

¹³ Полянский Н.Н. Вопросы теории советского уголовного процесса. М.: Моск. ун-т, 1956. С. 100.

олмаймиз. Тортишув принципи қарор қабул қилувчи ва томонлар ўртасида вазифаларни ажратувчи адолатнинг асосидир. Ушбу тизимда томонлар процессуал ҳаракатларни амалга оширишади ва қарор қабул қилувчи пассив бўлади. Оддий қилиб айтганда, суддаги тортишув низони адолатли, пассив судья олдида ҳал қилишга интилаётган икки тенг томонлар ўртасидаги баҳсдир¹⁴.

Ушбу фикрларни таҳлил қилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, тортишув принципи ишда иштирок этадиган шахсларнинг процессуал муносабатларини белгилайди (тарафлар тортишув шароитида уларга белгиланган ҳимоя ёки айблов функциясини бажаради) ва ўз позицияларини, фикр ва эътирозларини билдиришда тенг процессуал ҳуқуқ ва имкониятларни яратади. Ушбу ҳуқуқий низо мустақил ва холис суд томонидан ҳал этилади. Қисқа қилиб айтганда, тортишув тамойилининг доираси бир томон иккинчисининг далилларини рад этса, иккинчи томон эса ўз навбатида ўз позициясини ҳимоя қиладиган бошқа далиллар келтиради ва ҳақиқат қарор топади.

Шунингдек, биз жиноят процессининг судгача бўлган босқичида тортишув жараёни тамойили устун мавқени ўзида мужассамлаштирган деган ҳулосага келамиз, унинг белгилари эса иштирокчиларга тенг процессуал ҳуқуқлар берилгани, уларнинг вазифалари фарқланиши ва улар ўртасида келиб чиқадиган низони ҳал қилиш учун холис суднинг мавжудлиги ҳисобланади. Хусусан, судгача бўлган босқичда айбловнинг асосий вазифаси гумон қилинувчини (айбланувчини) жиноий жавобгарликка тортиш, тахмин қилинаётган жиноятни содир этишда унинг айбдорлиги тўғрисидаги далилларни тўплаш ва жамлаш, ҳимоянинг вазифаси эса айбловнинг далилларини рад этиш ва айбланувчи(гумон қилинувчи)нинг айбсизлигини исботлайдиган далилларни келтириш, дастлабки тергов органларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш. Суднинг вазифаси

¹⁴ U.S. Supreme Court, *McNeil v. Wisconsin*, 501 U.S. 171, 111 S.Ct. 2204 (1991).

шикоятларни кўриб чиқишда дастлабки тергов органлари, прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан суд назоратини амалга оширишдан иборат. Ушбу тамойил жиноят процесси иштирокчилари учун низоларда ўз позицияларини асослаш ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тенг имкониятларни таъминлаш учун самарали ҳуқуқий воситадир.

1.2. Жиноят процессида тортишув принципининг бошқа принциплар билан алоқадорлиги

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг алоҳида боби жиноят процессининг принципларига бағишланган бўлиб, уларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Агар жиноят процессида тортишув принципини мустаҳкамловчи, уни тўлдирувчи ва унга пойдевор бўлувчи бошқа муҳим принциплар мавжуд бўлмаса, тортишув принципи ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин.

Жиноят процессининг бирламчи принципларидан ҳисобланган *қонунийлик принципи* судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва ҳимоячи, шунингдек жиноят ишида иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқини тартибга солувчи муносабатларни тартибга солувчи қонунларга риоя қилишлари шартлигини белгилаб беради. Шунингдек, қонунийлик умумҳуқуқий принцип сифатида процесс иштирокчиларининг қонунларга асосланган тўғри муносабатларини ҳамда ҳуқуқни ҳурмат қилишни таъминловчи барча воситалар тизимини ўзида қамраб олади. Бу воситалар моддий ва процессуал ҳуқуқий нормаларни ғайриқонуний қўлланилганлиги учун санкциялар белгиланганида ва моддий-ҳуқуқий нормалар тўғри қўлланилишини кафолатловчи турли процессуал қоидаларда намоён бўлади. Шу билан бирга, қонунийлик принципи тортишув принципининг намоён бўлишига асос ва амалга ошириш учун таянч ҳисобланади. Қонунийлик принципи жиноят процессида қонунларни тўғри ва бир хилда ижро этиш, тарафларнинг жиноят процессида белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлардан

фойдаланиш, уларга ўзаро ҳуқуқий баҳс ва тортишувни амалга ошириш учун тенг имконият ва шароитларни яратиш ва кафолатлаш борасида муҳим пойдевор ҳисобланади.

Қонунийлик принципи умумҳуқуқий принцип сифатида, жамиятни давлат томонидан бошқарилишининг, давлат маҳкамаси ва фуқаролар фаолиятининг ҳамда ҳуқуқни тартибга солишнинг муҳим услубларидан бири бўлиб хизмат қилади.¹⁵

Тортишув принципининг асосий таркибий қисмини белгиловчи яна бир муҳим принцип *одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши*дир (Жиноят-процессуал кодексининг 12-моддаси). Конституциявий тушунчага эга бўлган мазкур принцип айблов, ҳимоя ва ишни ҳал этиш функцияларини катъий чегараланганлиги, ишни ҳал этишда айблов ва ҳимоя функциялари суддан ажратилганлигини ифода этади.

Одил судловнинг асосий мазмуни шахсни жиноят содир этишда ёки ҳуқуқий қоидаларни бузганликда айбдор эканлигини белгилаш, унга нисбатан давлатнинг мажбурлов ҳамда жазо чораларини қўллаш ёхуд шахснинг жиноий қилмишда айбсиз эканлигини ҳам аниқлашни англатади. Айблов ва ҳимоя тарафлари суд олдида ўзларининг даъволари тўғри, қарши тарафнинг даъвоси нотўғри эканлиги масаласида ҳуқуқий тортишувга киришадилар.

Суд жиноят иши муҳокамасида процесснинг бошқарувчиси сифатида бошқа иштирокчиларига нисбатан мустақил, айблов ва ҳимоя функцияларидан, ташқи таъсирлардан холи бўлиб, фақат ишнинг ҳал этиш функциясини амалга оширади. Жиноят процессининг мақсади иш бўйича айнан ҳақиқатни аниқлаш экан, суднинг мустақиллигини таъминлаш ушбу мақсадга эришишнинг энг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, фақат мустақил судгина тарафларнинг процессуал тенглигини таъминлаши, тақдим этилган далилларга холисона баҳо бериши, иш бўйича қонуний,

¹⁵ Логунов О.В. Система принципов современного российского уголовного судопроизводства. –СПб.: 2004. –Б.29;

асосланган ва адолатли қарор қабул қилиши мумкин.

Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш (Жиноят-процессуал кодексининг 13-моддаси) принципи бир қарашда тортишув принципининг намоён бўлишига бевосита алоқадор эмасдек кўринади. Лекин, тортишув принципининг моҳияти таҳлил қилинганда, яъни жиноят процессининг асосий масаласи - судланувчининг жиноий қилмишда айбли ёки айбсиз эканлиги юзасидан айблов ва ҳимоя тарафларидан қайси бири ҳақ, қайсиниси ноҳақ эканлигини аниқлашда мазкур принцип муҳим ўрин тутди.

Жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга жиноят ишини ҳайъатда кўрилганида ёки якка судьянинг ўзи кўриб ҳал этганда тўлароқ эришиш мумкинлиги масаласи ойдинлаштирилиши лозим. Чунки, шахснинг жиноий қилмишда айбли ёки айбсизлик эканлигини судьянинг ички ишончи асосида ҳал этилади.

Жиноят ишини ҳал этишда суднинг олдидаги асосий масала жиноий ҳодиса юзасидан ҳақиқатни тўғри аниқлашдир. Ҳақиқат эса суд томонидан жиноий ҳодисанинг ҳақиқий ҳолатларини билиш воситаси орқали қарор топади. Айрим олимларнинг фикрича, "...судланувчининг айблилиги тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳаққоний бўлиши билан бирга у аниқ, шубҳасиз ва асосли бўлиши лозим¹⁶". Бизнингча, бу масала инсон онгининг билиш соҳасига бевосита тааллуқли бўлгани учун судланувчининг тақдири бир судьянинг хулосаси орқали ҳал қилинишидан кўра, кўпчилиқни ташкил этувчи ҳайъат судьяларининг хулосаси асосида ҳал этилиши адолат меъзонига яқинроқ.

Судьяларнинг суд муҳокамасини якка тартибда кўришга интилиши, биринчидан, амалиётда ҳайъат тартибида кўриладиган ишларнинг кўпчилигида дуч келинаётган халқ маслаҳатчиларнинг жалб этиш масаласидаги сансалорликлар бўлса, иккинчидан, ишда иштирок этаётган маслаҳатчилар ўзларининг касб, билим даражалари ҳамда савияларининг

¹⁶ Зинатуллин З.З., Зинатуллин Т.З. Уголовно-процессуальные функции. –Ижевск: 2002. -Б. 29.

етишмаслиги туфайли ишни ҳал этишда жуда суғ фаолият кўрсатаётганликлари билан боғлиқ. Шунинг учун халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишга жалб қилишда уларнинг моддий манфаатдорлиги ҳамда ҳаётда ва меҳнат фаолиятида муносиб ўринга эгаллиги, билим ва тажрибаси эътиборга олинishi лозим.

Одил судловнинг самараси ҳамда тортишув принципининг рўёбга чиқиши *судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципи* (Жиноят-процессуал кодексининг 14-моддаси) билан бевосита боғлиқдир. Бу қонун талабининг жиноят процессида принцип сифатида эътироф этилиши одил судловни юритишда, яъни иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли қарор қабул қилиш учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Суд эркин ва ҳар қандай аралашувлардан халос бўлган тақдирдагина, холис бўлади, иш бўйича аниқ аниқ ҳақиқатни ўрнатади ҳамда адолатли ҳукм чиқаради¹⁷. Бу тушунчалар ўзаро уйғундир.

Мазкур принципнинг тортишув принципи билан боғлиқлиги шундаки, фақат мустақил ва эркин суд ҳуқуқий баҳс юритаётган тарафларга холисона муносабатда бўлади¹⁸. Бу эса ўз навбатида, суд муҳокамасидаги айблов ва ҳимоя тарафларига ўз ҳуқуқларини тўла ва тўсиқсиз амалга ошириш имконини беради. Тарафларнинг тортишувига асосланган суд муҳокамаси айбловчига судланувчининг жиноий қилмишда айбли эканлигини, ўзи тасдиқлаган айблов асосига қўйилган далилларни исботлашни, судланувчига эса ўзининг айбсизлиги ёки айбли эмаслиги тўғрисида тақдим этилган далиллар юзасидан холисона ҳақиқатнинг аниқланишини, бегуноҳ, айбсиз шахсларни ноқонуний жазолаш хавфи бартараф этилишини кафолатлайди.

Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш принципи (Жиноят-процессуал кодексининг 16-моддаси) давлат ва жамоат айбловчиси, судланувчи (айбланувчи), жабрланувчи,

¹⁷ Чарыев М. Функции судебной власти. // Российский судья. -2002.-№3. –Б. 11.

¹⁸ Абдумажидов Ғ.А. Конституция ва суд мустақиллиги – адолат гарови. // Давлат ва ҳуқуқ. -2002. -№4(12). –Б.31-35.

ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, холислар, мутахассислар ва шу қаби жиноят процессида қатнашиши мумкин бўлган барча иштирокчиларнинг миллати, тили, эътиқоди, жинси, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар, қонун ва суд олдида тенг ҳуқуққа эга эканлигини ифода этади. Мазкур принцип жиноят ишини кўзғатиш, дастлабки тергов ҳамда одил судловнинг ягона тартиб асосида амалга оширилишини таъминлайди. Бу билан жиноят процессида бирон-бир иштирокчи миллати, ирки, эътиқоди, жинси, тили ва ижтимоий аҳволи юзасидан бошқа иштирокчилардан устун бўлишига ёки аксинча унинг ҳуқуқлари ўша аснода чекланишига йўл қўйилмаслиги кафолатланади.

Жиноят процессида тортишув принципи *шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш* (Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддаси) ҳамда *фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш* (Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддаси) принциплари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бу принциплар тортишув принципининг жиноят процессида амалга оширишга реал шароит яратувчи қонун нормалари бўлиб хизмат қилади. Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддасида суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда иштирок этаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматларини ҳурмат қилишлари шартлиги, шахсга нисбатан зўравонлик ишлатилиши, қийноққа солиниши, инсоний кадр-қиммати ва обрўсига путур етказадиган бирор хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги таъкидланган. Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасида эса жиноят процессида иштирок этаётган барча давлат органлари, мансабдор шахслар процессга жалб этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишга маъсул эканликлари белгилаб қўйилган.

Юқорида давлат органлари, мансабдор шахсларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятларини амалга оширишда Конституция ҳамда моддий ва процессуал нормалардан келиб чиқувчи талабларга қатъий ва сўзсиз итоат этишлари шартлиги айтиб ўтилганди. Бу талаб шак-шубҳасиз, жиноят

процесси доирасида ҳуқуқий муносабатга киришувчи фуқароларнинг процессуал ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишга, уларнинг шаъни ва кадр-қимматларини муҳофаза қилиш каби муҳим вазифаларни белгилайди. Унга кўра, фуқаролар ноқонуний, мажбурий, жисмоний ёки руҳий тазъийқ остида ўтадиган нопроцессуал фаолият "объект" бўлишдан ҳуқуқий жихатдан ҳимоя этиладилар. Шахсни ғайриқонуний тарзда кадр-қимматини ва шаънини поймол этадиган усуллар қўллаш йўли билан кўрсатув беришга мажбурлаш, қонунсиз равишда қамокқа олиш, унинг уй-жойида ноқонуний тинтув ўтказиш, унга тегишли буюмларни олиб қўйиш ва кўздан кечириш, фуқароларнинг почта-телеграф ёзишмаларини хатлаш, телефон алоқасини ноқонуний эшитиб туриш ва бошқа ҳаракатларни олиб боришга йўл қўйилмаслиги фуқароларнинг жиноят процессидаги муҳим процессуал кафолатлари ҳисобланади.

Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципи. Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасида мустаҳкамланган ва унинг мазмуни Конституциянинг 26-моддасидаги талабларга мос келади. Ушбу талабларга кўра одил судловнинг барча босқичларида жиноят ишлари ошкора муҳокама этилади. Фақат ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Суд муҳокамаси ошкоралигининг муҳим белгиси шундаки, у судда иштирок этаётган тарафларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама ва тўлиқ амалга ошириш имконини таъминлайди. Фақат очик суд муҳокамасида айбловчи жиноий қилмишда судланувчининг айбдорлигини ошкора, оммавий тарзда исботлаш, шу билан ўзи тасдиқлаган айблов хулосасининг асосли

эканлигини намоён қилиш имконига эга бўлади. Айбловчининг ошкора суд муҳокамасидаги фаолияти унинг жиноятчиликка қарши курашдаги манфаатларига ҳам мос келади.

Ошкора суд муҳокамаси заминида судланувчининг ҳам ўзига хос процессуал манфаатлари ётади. Бундай тартибдаги суд муҳокамаси судланувчи ва унинг ҳимоячисига тенг ҳуқуқли тараф сифатида айблов тарафининг хулосаларини муҳокама этиш, уларни инкор этиш ва ўзи келтирган далилларнинг асосли эканлиги ҳақида фикр билдириш, хуллас, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқларини суднинг барча қатнашчилари ҳузурида ошкора амалга оширишга имкон беради.

Жиноят ишлари юритиладиган тил (Жиноят-процессуал кодексининг 20-моддаси) принципига биноан, дастлабки тергов ва суд босқичларида жиноят ишларини юритиш ўзбек, қорақалпоқ тилида ҳамда муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Ушбу принцип жиноят иши муҳокамасида қатнашаётган барча иштирокчиларга она тилларида ёки ўзлари билган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма кўрсатувлар бериш, хулоса, раддия ва илтимосномалар билдириш, тергов ва суд материаллари билан танишишда ҳамда бошқа ҳолларда таржимон хизматидан фойдаланиш каби ҳуқуқларни эркин амалга оширишлари учун тенг шароит яратади.

Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки (Жиноят-процессуал кодексининг 21-моддаси) суд муҳокамаси элементларини тўлдирувчи ва унга алоҳида демократик урғу берувчи принципдир. Қонун жиноят ишлари юритишда жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячисининг иштирок этишига йўл қўяди. Бу субъектлар суд муҳокамасида қарама-қарши манфаатларни ифода этадилар. Уларнинг бошқа иштирокчилар билан процессуал тенглиги ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган. Тортишувга асосланган суд муҳокамасида жамоат айбловчиси муайян процессуал функцияни амалга оширади. У айбланувчини жиноий қилмишда айблар экан, аввало, суд муҳокамасига ўзи вакил қилинган жамоа манфаатини кўзлаган

холда киришади. Жамоат ҳимоячиси эса ўзи вакил қилинган жамоа манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга судланувчининг жиноий қилмишда айбсиз эканлиги масалалари доирасида фаолият кўрсатади.

Жиноят ишларини юритишда жамоат вакилларига айбловчи ҳамда ҳимоячи сифатида иштирок этиш ҳуқуқининг берилиши содир этилган жиноий қилмишнинг характери ҳамда айбланувчининг (судланувчининг) ўша қилмишда айбли ёки айбсизлиги масаласига улар вакиллик қилаётган жамоанинг муносабати, айбланувчининг (судланувчининг) мазкур жиноий қилмишдаги ҳаракати ва унинг оқибат даражаси каби масалалар доирасида жамоа фикри ҳамда қарашларини суд минбаридан туриб баён этиш имконини беради. Аммо, бу субъектлар суд муҳокамасида судланувчининг жиноий қилмишида айбли ёки айбсиз эканлиги ҳақида шахсий фикр ва мулоҳазаларни билдириш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Бу эса тортишувнинг демократик мазмунини янада чуқурроқ ифода этади, тарафларнинг ҳуқуқий тортишувларини янада мукамаллаштиришига туртки бўлади.

Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасидан *гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципи* ўрин олган. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд уларнинг ҳуқуқлари таъминлашлари, уларга айбловдан ҳимояланиш учун барча қонуний усул ва воситалардан фойдаланиш имкониятини яратиб беришлари лозим. Бу принцип айбланувчининг (гумон қилинувчи, судланувчи) ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланишини кафолатлаб қолмай, одил судлов вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш, яъни дастлабки тергов ва суд муҳокамасини холисона олиб бориш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга бевосита боғлиқ.

Жиноят-процессуал кодексда айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи) нинг ҳимоя ҳуқуқига берилаётган катта эътиборнинг сабаби шундаки, айбланувчи жиноят процессида марказий ўринда турувчи шахс сифатида намоён бўлади. Унинг атрофида терговчи, прокурор, суд ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўз процессуал ҳаракатларини ташкил этадилар. Жиноят ишини юритишда асосан айбланувчининг содир этилган

жинойй қилмишдаги ҳаракатлари текширилади, шу ишга тааллуқли барча ҳолатлар аниқланади.

Айбланувчига ҳимоя ҳуқуқининг берилиши, биринчидан, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, уни асоссиз жиноий таъқибдан муҳофаза қилиш масалалари билан, иккинчидан эса шахсни жавобгарликка тортишда дастлабки тергов ва суднинг фаолияти қонун ҳамда адолат мезонларига тўғри ва мос эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан боғлиқдир.

Айбсизлик презумпцияси принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган. Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг жиноят содир этилганликдаги айби суднинг кучга кирган ҳукми билан асосланмагунча, айбли деб ҳисобланмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Маълумки, жиноят иши юзасидан айбланувчининг (судланувчининг) айбдор ёхуд айбсизлиги масаласи, фақат суднинг қонуний тартибда кучга кирган ҳукмида ифода этилади. Дастлабки терговда айбланувчининг айбини исботловчи далил ва маълумотларни тўплаш имкони бўлмаса, прокурор жиноят ишини тугатади, аксинча, далиллар айбланувчининг айблилигини тасдиқласа, ишни суд муҳокамасига юборади. Судланувчи суд муҳокамасида айбловнинг асоссиз ёки етарли эмаслиги сабабли оқланиши, агар унинг айби исбот этилиб, айбдор деб топилса, унга нисбатан қонуний жазо чоралари қўлланиши мумкин. Бунга қадар айбланувчи (судланувчи) жиноят процессининг энг дастлабки босқичларидан, то суд ҳукми чиқарилиб, у қонуний кучга киргунча айбдор деб ҳисобланмайди. Демак, айбланувчини айбдор деб ҳисоблаш учун унинг айби суд муҳокамасида тасдиқланган ва шу ҳақда суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлиши зарур.

Терговчи, айбланувчининг жиноятда айбли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, айблов хулосасини тузади. Прокурор бу хулоса билан келишса, уни тасдиқлайди ва бу билан айбланувчининг жиноий қилмишда айбли эканлигини эътироф этади. Суд муҳокамасида айбловчи судланувчининг

айбдор эканлиги тўғрисида қатъий фикрда бўлганлиги учун ўз фаолиятини судланувчининг айбдорлиги ҳамда айблов хулосасининг тўғри эканлигини исбот этишга йўналтиради. Мантиқан олганда, давлат айбловчисида шундай фикр мавжуд бўлмаганида, биринчидан, у терговда айблов хулосасини тасдиқламас, иккинчидан, судда бу хулосанинг тўғрилиги ҳақида ҳимоя тарафи билан ҳуқуқий тортишувга киришмас эди.

Суд муҳокамасида судланувчи ва унинг ҳимоячиси эса "айблов тарафининг хулосалари асосиз" деган фикрда бўладилар. Улар ўз нуқтаи назарларининг асосли эканлигини исботлаш орқали айбловнинг нотўғрилигини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, айбланувчининг айби суд муҳокамасида тасдиқланиб, ҳукм кучга кирмагунча у айбдор эмас, балки ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан таъминланган ва айбловни муҳокама этишда, уни айблаётган айбловчи билан тенг процессуал ҳуқуққа эга бўлган айбланувчидир. Демак, айбланувчининг процессуал-ҳуқуқий ҳолати айбдорнинг процессуал ҳолатидан қатъиян фарқ қилади. Жиноят процессида ушбу қоидага амал қилмаслик нафақат тортишувга асосланган суд муҳокамасига, балки умуман одил судлов манфаатларига жиддий путур етказди.

Процессуал ҳаракат ва қарорлар устидан шикоят қилиш принципи (Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддаси) тортишув принципининг амалий жиҳатларини ифода этади ва унинг ҳаракат механизмининг муҳим белгиси ҳисобланади. У жиноят процесси иштирокчилари ҳамда ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган ташкилот, муассаса ва корхоналарга ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал ҳаракатлари, уларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Ушбу принцип процесснинг исталган босқичида барча иштирокчиларга ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган фаолиятларини тўлиқ амалга оширишнинг гаровидир. Иштирокчилар учун шундай ҳуқуқий кафолатларнинг мавжудлиги уларнинг процессуал масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини қатъий ҳимоя этиш, ўз

манфаатларига зид бўлган ҳаракат, қарорни юзасидан тортишув олиб боришларига замин яратади. Шикоят қилиш борасида ҳам тарафларнинг ҳуқуқлари тенг бўлиши ва уларга тенг имкониятлар таъминланиши зарур.

Юқорида таҳлил этиб ўтилган жиноят процесси принципларининг ягона тизими тортишув принципининг суд муҳокамасида намоён бўлиши учун асосий ҳуқуқий манбалар ҳисобланади. Жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ушбу принципларга қатъий амал қилмаслик тортишув принципининг муқаррар тарзда инқирозга юз тутишига, ҳақиқатни тўлиқ аниқланмай қолишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процессидаги ҳар бир принцип ўз ўрнига, ўз мазмунига эга, улар бир бири билан узвий алоқадор ва жиноят судлов ишларини юритишда уларнинг барчасига қонунда мустаҳкамланган тартибда қатъий амал қилиниши шарт.

1.3. Жиноят процессида тортишув принципинини амалга оширишга оид хорижий мамлакатлар тажрибаси

Жиноят процессидаги тортишув процессининг барча иштирокчилари учун ҳуқуқларнинг тўлақонли тенглигини, энг аввало, исботлаш имкониятларини тўғри таъминлаш учун тенг имкониятни (далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш) талаб қилади. Тортишув принципи томонлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳолисона ва жиноий таъқиб қилиш органларидан бири бўлмаган, жиноий ишларни кўриб чиқиш натижаларидан мутлақо манфаатдор бўлмаган суд томонидан ҳал қилинишида тўлиқ намоён бўлади. Суднинг ваколатлари фақат суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳолислигига асосланиши керак.

Ҳозирги вақтда тарафларнинг тортишув тамойили ҳамма давлатларининг жиноят процессида ҳам тенг даражада қўлланилмайди.

Тарафлар тортишуви тамойилининг хусусиятларини айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессуал амалиётида кўриб чиқамиз.

Тортишувнинг энг аниқ белгилари Англия-Америка жиноий суд тизимида намоён бўлади. Тарихан, жиноят ишларини суд тартибида кўриб

чиқишнинг бундай тури ўрта асрларда Англияда шакллана бошлади. Кейин у илгари мавжуд бўлган инглиз колонияларининг ҳамма жойида қўлланила бошлади. Ҳозирги вақтда суд ишларини кўриб чиқиш шакли сифатида тортишув тамойилининг энг типик кўринишини Англия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, шунингдек Австралиянинг жиноий ишларини юритиш жараёнида кузатишимиз мумкин.

Жиноят процессининг ушбу шаклида дастлабки терговнинг асосий органи жамоат тартибини сақлаш функцияларини бажарувчи, шунингдек жиноятларни ўз ташаббуси билан ёки жабрланувчининг шикоятини билан ёхуд суд буйруғи билан тергов қилувчи полиция ҳисобланади. Дастлабки тергов ҳаракатлари, гумон қилинувчини, жабрланувчиларни ва гувоҳларни ушлаш ва сўроқ қилиш, шунингдек айблов учун далиллар тўплаш полиция томонидан амалга оширилади. Гумон қилинувчини ҳимоя қилиш тўғрисида далил гумон қилинувчининг ўзи ёки унинг ҳимоячиси томонидан тақдим этилади.

Англияда судгача бўлган процесслар асосан, полиция (констебллар), прокуратура дирекцияси, зўравонлик ёки тўсатдан ўлим жиноятларини тергов қилувчи шахслар, жиддий фирибгарликка қарши кураш бўлими, шунингдек агар юқоридаги ҳокимиятлар тегишли ташаббус кўрсатмаган бўлса, хусусий шахслар ва ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилади. Ушбу босқичда гумон қилинувчи аниқланади, унинг айбига оид далиллар тўпланади, зарурат туғилганда унга қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилади, шунингдек қидирув ҳам олиб борилади. Шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш бўйича далиллар аниқлангандан сўнг, полиция айблов материалларини Royal Pursuit хизматиغا (давлат айбловчиси) топширади, у эса ишни судда дастлабки кўриб чиқиш ёки моҳиятини текшириш учун судьяга юбориш тўғрисида қарор қабул қилади. Шунингдек, давлат айбловчиси тўпланган далиллар етарли эканлигига амин бўлмаса, жиноий жавобгарликка тортиш фаолиятини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Судгача бўлган босқичда айблов хулосаси ёки маълумотлар тузилади. Жиноий суд жараёнининг Англо-Саксон моделида судгача бўлган жараёнда

суд назорати мажбурлов чораларининг бир қисми учун санкция беришда намоён бўлади.

Шунингдек, АҚШда дастлабки тергов босқичида айбланувчига қарши далиллар қонуний йўл билан олинган ва судда ушбу далилдан фойдаланиш мумкин бўлса, айбланувчи ўзини айбдор деб ҳисоблаб, тайинланадиган жазога рози бўлганда, ишлар судга ўтказилмайди. АҚШ да 70% дан ортиқ жиноят ишлари судгача этиб бормасдан, айбини тан олиш тўғрисидаги битимни тузиш йўли билан ҳал қилиниб, мазкур жараёнларда ҳимоячи иштироки таъминланади.

Англия-Америка моделидаги тортишув принципи жиной суд ишларини амалга оширишда айбланиш, ҳимоя тарафдорларининг реал қаршиликлари асосланган. Бундай ҳолда, суд айблов ва ҳимоя ўртасидаги объектив баҳо берадиган характерга эга. Айблов ёки ҳимоя тарафининг бундай мунозарани давом эттиришдан воз кечиши суднинг амалда тўхтаганлигини англатади. Масалан, прокурор айбловни рад этиши судни автоматик равишда жиноят ишини тугатишини талаб қилади, аксарият ҳолларда, айбдорлигини тан олган айбланувчига бошқа барча далилларни ўрганмасдан туриб, айблов эълон қилинишига олиб келади.

Шу билан бирга, жиной иш юритиш жараёнида тарафлар тенг ҳуқуқларга эга ва судьялар далилларни кўриб чиқишда пассив бўлиб, далилларни тўплаш имкониятлари чекланган. Айблов ва оқлов учун далиллар судья томонидан эмас, айблов ва ҳимоя томонидан тақдим этилади. Айблов ва ҳимоя томон ўзларининг айблов ва оқлашга доир ҳулосаларини ўқиб эшиттирадилар. Анъанавий қитъа ҳуқуқ тизмидан фарқли равишда, судьялар гувоҳларни сўроқ қилмайдилар, томонларни биринчи бўлиб саволга тутмайдилар¹⁹. Суд айблов ва ҳимоя томонидан тўпланган далилларни текшириб чиқиб, ишни ҳал қилади. Бунда суднинг ишни юритишда холислиги таъминланади. Суднинг прокурор, терговчи ва суриштирувчи билан

¹⁹ William T. Pizzi, "The American 'Adversary System'?", 100 W. Va. L. Rev. 847 (1998), available at <http://scholar.law.colorado.edu/articles/647>

манфаатлари бир хил бўлиши олди олинади. Шу билан бирга, суд жараёни давомида томонларнинг тенглиги тортишув жараёнининг асосий белгиларидан бири бўлиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилган.

Англия-Америка жиноят процессининг моделлари ривожланишнинг hozirgi тенденцияларида жиноят процессида суднинг ваколатларини сезиларли даражада кенгайтиришни талаб қилади. Масалан, hozirда бундай ваколатларга қуйидагилар киради: исботлашда қонунийлик, асослилик ва албатта, ҳукмларнинг адолатли бўлишини таъминлаш.

Бундай суд муҳокамасининг моделлари суд ишларини кўриб чиқишнинг классик тортишув моделлари билан алмаштирилади, яъни суднинг фаол ҳаракатларни амалга ошириши унинг айблов вазифасини бажариши учун эмас, балки фақат судда иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учундир.

Шунингдек, аралаш жиноят процесси **Австрия, Италия, Германия, Франция, Испания** давлатлари учун ҳосдир. Ушбу мамлакатларда дастлабки тергов прокурорнинг бевосита назорати остида амалга оширилади, унинг кўрсатмалари мажбурийдир. Хусусан, жиноят судлов ишлари доирасида прокуратурага жиноятни тергов қилиш давлат функцияси берилган бўлиб, у ўз ташаббуси билан ёки ўзига келиб тушган шикоят ва аризалар асосида жиноят ишини кўзғатиши мумкин. Бундан ташқари, прокуратура жабрланувчининг аризасига кўра, фуқаровий даъво бор ёки йўқлигидан қатъи назар, даъво кўзғатишга мажбур. Прокуратура, қоидага биноан, жиноят ишини кўзғатишда суд полицияси (Франция, Италия) ва жиноят полицияси (Германия) фаолиятининг натижаларига асосланади. Полиция зиммасига маълумотларни тўплаш, далилларни мустаҳкамлаш ва қонунбузилишида айбдор бўлган шахсларни қидириш чораларини кўриш мажбуриятлари юкланган.

Дастлабки тергов жиноят ишлари бўйича мажбурий, ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича эса фақат прокурор талаби билан ўтказилади. Бошқа барча ҳолларда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар полиция суриштируви билан чекланади. Жиноят ишларини судгача тергов қилишнинг бундай моделларида

ошкоралик, адвокатларнинг айрим тергов ҳаракатларида иштирок этишига рухсат берилиши бўйича чекловлар мавжуд ва шу билан бирга, суд муҳокамаси пайтида низоларни ҳал этишнинг ўзига хос тартиблари ўз аксини топган²⁰.

Германия. Немис процессуалист олимлари тортишув негизига қурилган дастлабки терговни барпо этиш учун жуда кўп изланганларидан кейин, дастлабки терговни жиноят судлов ишларининг алоҳида босқичи сифатида бекор қилиб, прокурор суриштируви билан чекланиш лозимлиги бўйича фикрда тўхтаганликлари тасодифий ҳол эмас²¹. Немис фанида жуда кенг тарқалган²² прокурор суриштируви деб аталадиган концепция (ёки прокурор раҳбарлиги остидаги суд полициясининг суриштируви) жорий этилишини асосиз деб бўлмади, чунки суд ислохотлари прокуратура барча дикқат-эътиборини жиноий таъқибга қаратишини талаб этмоқда, зеро, хорижий мамлакатларда худди шу амалиёт қўлланмоқда. Прокурорнинг бу ишдаги чўққиси судда мустақил равишда айбловни қувватлашдир. Худди шунинг учун ҳам жиноят ишларини судга қадар юритишда айблов ҳокимияти процессуал ва бошқа ваколатларга эга бўлган прокуратура бошчилигидаги давлат органлари тизимига таяниши керак. Айблов ҳокимияти фақатгина жиноят процесси доирасида амал қилиши ва унинг ҳокимиятнинг бошқа қатламларидан тўла мустақиллиги таъминланиши лозим.

Франция жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки терговни

²⁰ Бу қоида 1992 йил 22 июлда қабул қилинган Франциянинг янги Жиноят Кодексида ҳам сақлаб қолинди. (Қаранг: Кузнецова Н. Новый Уголовный Кодекс Франции. // Юстиция. - 1993. -№19. –Б.12)

²¹ Бунда мисол тариқасида инглиз ҳуқуқидан фойдаланилган. Инглиз процессида алоҳида фаолият сифатида махсус органга топшириладиган дастлабки тергов мавжуд эмас, лекин тинчлик судьялари хузурида олиб бориладиган бошланғич тергов мавжуд (preliminary examination). Чунончи, инглиз тадқиқотчилари, preliminary examination қитъавий инквизицион жиноят процесси таъсири остида шаклланган, деб ҳисоблайдилар. (Қаранг: Shapiro В. “Beyond Reasonable Doubt” and “Probable Cause”): Historical Perspectives on the Anglo-American Law of Evidence. –Berkeley: 1991. –Б.246-247).

²² Германияда 1974 йил 9 декабрда қабул қилинган «Жиноят-процессуал ҳуқуқ ислохоти тўғрисида»ги қонунда дастлабки тергов институти бекор қилиниб, унинг ўрнини суриштирувчи-судья иштирок этадиган прокурор-полиция суриштируви эгаллади. (Қаранг: Peters K. Strafprozeß: Ein Lehrbuch. -Heidelberg-Karlsruhe: 1981. –Б.271, 285)

Ўтказиш вазифаси қонун билан зиммасига юклатилган терговчи судья муҳим рол ўйнайди. Ушбу мансабдор шахс прокурорнинг хулосаси асосида терговни бошлайди, зарур тергов ҳаракатларини (шу жумладан жиноий процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, ушлаб туриш) амалга оширади ва ишни судга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун прокурорга юборади. Франция жиноят процессуал қонунида, шунингдек мустақил процессуал шахс жиноий иш қўзғаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаровий даъвогар ҳам мавжуд²³.

Франциядаги “Айбсизлик презумпцияси ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 2000 йил 15 июндан кучга киргандан сўнг, терговчи судьянинг юрисдикция функциялари, тергов ваколатларини кескин камайтирилиб, уни "камроқ терговчи ва тобора кўпроқ судья" қилди²⁴. Бундан ташқари, ўша даврда жиноят ишида янги шахс пайдо бўлди, бу дастлабки тергов давомида асосий вазифалари қонун устуворлиги ва объективликни таъминлаш бўлган озодлик ва қамоқ бўйича судьядир.

Умуман олиб қараганда, Франция ва Италия каби давлатларда дастлабки тергов суд миқёсидаги мансабдор шахс, яъни тергов судьяси томонидан олиб борилишининг процессуал ҳолати мунозарали. Тергов судьяси ташкилий жиҳатдан суд инстанцияларининг бўйсинувида бўлса ҳам ўз функцияларини бажаришда прокуратурага боғлиқ бўлиб, уларнинг кўрсатмалари доирасида ҳаракат қилади. Тергов судьялари муносабатларининг мураккаб шакли ва ҳолатининг иккиёқламалиги, кўпроқ мустақил институт сифатида тўла ҳуқуқли айблов субъекти бўлишга даъвогарлик қила олмайдиган дастлабки терговнинг лойиҳавий носозлигини ифодалайди. Шунинг учун терговчи фаолиятига дастлабки терговга қўшимчалар киритиш ва айбланувчининг, ҳимоячининг ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан тортишув ифодасини бериш учун қилинган барча уринишлар бесамар кетаверади.

Узоқ Шарқ давлатлари узоқ вақт давомида Европадаги жиноят

²³ French Code of Criminal Procedure of 1958 (as amended and additional on January 1, 1966)

²⁴ *Гуценко К.Ф.* Уголовный процесс западных государств. М.: Зерцало-М, 2001. С. 329.

процессининг ҳар иккала моделидан бирини танлаб олиб, тажриба ҳосил қилдилар. Масалан, Японияда жиноят процессининг немис (тергов ва айблов) модели қўлланилади. Инглизча, тортишув моделлар, асосан, Гонконг ва Сингапур каби давлатлардаги жиноий суд ишларида қўлланилади. Бу айниқса, Болтиқбўйи мамлакатлари, шунингдек, Молдова ва Грузияни жиноят процессида яққол намоён бўлади. Юқоридаги давлатларнинг жиноят-процессуал кодекслари Европа жиноят процессуал стандартлари билан деярли бир хил. Тарафларнинг тортишув жараёнини амалга оширишда адолатга асосланган жиноий процедурадан фойдаланиш тенденциялари ҳозирги кунда Грузия ва Молдовада кузатилмоқда.

Давлатчиликка эришилгандан кейин барча собиқ Совет республикаларида ва ҳозирги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида жиноий суд ишларини юритиш моделлари кескин фарқ қила бошлади. Ушбу тафовутлар, айниқса, 21-асрнинг бошларида, МДҲ мамлакатлари ўзларининг жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини қўллашни бошлаганларида сезилди. МДҲга аъзо давлатлар учун Жиноят-процессуал кодексининг намунаси қабул қилинди, у тавсифий характерга эга бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг тан олинган принциплари ва нормаларини, шу жумладан суд рухсатига оид масалаларни ҳам қамраб олди. Хусусан, **Украинанинг** Жиноят-процессуал кодексига суднинг рухсат бериш тўғрисидаги фаолияти профилактика чораларини қўллаш ва тергов ҳаракатларини бажариш тартибини белгилайдиган моддаларда тартибга солинади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат судянинг асосланган қарори ёки суднинг ажрими билан қўлланилиши мумкин.

Беларусь, Россия, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексларида судгача тортишув суд томонидан баъзи тергов ҳаракатларига рухсат бериш, жиноят процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда ифодаланади.

Хусусан, Россия Федерацияси жиноят-процессуал кодексига кўра, суриштирувчи, терговчи, суриштирув, тергов органи раҳбарининг жиноят

иши кўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек бошқа ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар)и ва суриштирувчи, суриштирув органи раҳбари, терговчи, тергов органи раҳбарининг, прокурорнинг жиноят процесси иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказиши ёки фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини бузиши мумкин бўлган ҳаракат(ҳаракатсизлик)и юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин²⁵.

Шикоят судда ариза берувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили ёки вакили томонидан ёки суриштирувчи, суриштирув бўлими бошлиғи, суриштирув органининг бошлиғи, суриштирув органи, терговчи, тергов органи раҳбари ёки прокурор орқали амалга оширилиши мумкин. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича судья тегишли мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёки қарори ноқонуний ёки асоссиз деб топилганлиги ва унинг бузилишни бартараф этиш мажбурияти тўғрисида ёки шикоятни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қозоғистон Республикаси жиноят-процессуал кодексида ҳимоячининг далилларни тўплашга оид ваколатлари кенгайтирилган бўлиб, хусусан, ҳимоячи шартнома асосида экспертнинг, иш бўйича мутахассиснинг хулосаларини олади ва бундай хулосаларни иш материалларига киритиш тўғрисида илтимоснома билдириш ҳуқуқига ҳам эгадир²⁶. Шунингдек, ҳимоячи суднинг ҳар қандай босқичида суд муҳокамасида иштирок этиш, суд муҳокамасида этирозлар билдириш, янги очилган ҳолатлар туфайли иш қайта кўрилганда суд мажлисида қатнашиш, суд томонидан эҳтиёт чорасини тайинлашга рухсат бериш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда, жумладан қамоққа олиш, уй қамоғи эҳтиёт чораларини қўллаш, қамоққа олиш, уй қамоғи эҳтиёт чораларини муддатини узайтириш каби илтимосномаларни кўриб чиқишда қатнашиб, ўзининг ҳимоя позициясини амалга оширади.

²⁵ "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 24.04.2020)

²⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 25.05.2020 г.)

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг аксарият мамлакатларида жиноий ишларни кўриб чиқишда томонларнинг тортишув принципини қўллашнинг китъа модели барқарор равишда мустаҳкамланиб бормоқда. Шу билан бирга, бундай ҳуқуқни қўллаш амалиётининг асосий мақсади жиноят процессида томонларнинг тортишув принципини амалга ошириш учун Ғарбий Европа моделларига мос келиш истаги ҳисобланади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда айрим қўшни давлатларда жиноят ишларининг асосий тергов тури деярли ўзгармаган. Ушбу турда, томонларнинг тортишув принципини амалда бажариш минималдир, бу жиноят процессида томонларнинг, айниқса судланувчиларнинг айбини тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларни тўплаш, баҳолаш ва тақдим этишда тенглик тўлиқ даражада эмасликни англатади.

Хулоса қилиб айтганда, судгача бўлган босқичда тортишув тамойили, асосан, дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан суд назорати ўрнатилганлиги ва шахсларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳатти-ҳаракати ва қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриш жараёнида намоён бўлади. Шу билан бирга, илғор мамлакатларда жиноий таъқиб субъектлари қонунда тақиқланмаган ҳар қандай усуллар билан жиноят аломатлари ва айбланувчининг айби тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар. Бунда ҳимоя томони ҳам ўзининг ҳар бир мулоҳазасини исботлаб бера олади ва исботлашда айблов томони билан бир хил ҳуқуққа эга бўлиб, далилларни тўплайди. Судда иш юритиш босқичида тортишув принципи суд муҳокамасида суднинг пассив роли, тарафлар ўз позицияларини билдиришида тенглиги билан аниқ намоён бўлади.

II БОБ. Жиноят процессида тарафлар тортишувни амалга ошириш

боғлан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари

2.1. Жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичида тортишув принципини амалга ошириш масалалари

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасининг мазмун-моҳиятидан тортишув принципи фақат 1-инстанция суди ва ишлар юқори судларда кўрилган босқичда амалга оширилади деган хулосага келишимиз мумкин. Гарчи, ушбу тамойилнинг амалга оширилиши мазкур модда билан чекланган бўлса-да, тарафлар тортишуви принципини амалга оширишни таъминлайдиган бошқа қоидалар ҳам қонунчиликда акс эттирилганлигига оид фикрлар мавжуд. Қонунчиликнинг “жиноий суд ишларини томонларнинг тортишув жараёнига асосланганлиги” тўғрисидаги аниқ кўрсатмаси бу борада олимлар ва амалиётчилар ўртасидаги мунозараларни келтириб чиқаради.

Тортишув тамойили жиноят процессида ишни судда кўриш босқичида амалга ошадими ёки йўқми деган савол ҳам жуда мунозарали.

А.А. Давлетовнинг жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичида томонларнинг тенглиги ва тортишув жараёнини таъминлаш борасида "Бунинг учун ҳеч бўлмаганда дастлабки терговнинг барча моделини тубдан ўзгартириш зарурлигини таъкидлайди: суд терговчисини киритиш, ҳимоячига параллел тергов ўтказиш ҳуқуқини тақдим этиш, исбот қилишда томонларга тенг ҳуқуқлар бериш ва ҳоказо"²⁷ деб таъкидлайди.

В.П. Божийев тортишув тамойили жиноят процессининг барча босқичларига татбиқ этилмаслигини таъкидлайди, чунки:

- а) томонлар ўртасида процессуал тенглик йўқ;
- б) ишни юритиш учун масъул шахслар тергов, айблов ва ишни ҳал қилиш функцияларини бажаради, прокурор эса терговчи ва терговчи фаолиятига оид қонунларининг бажарилишини назорат қилади;

²⁷ Давлетов А.А. Проблема состязательности решена в УПК РФ неудачно // Российская юстиция. 2003. № 8. С. 22.

- в) жиноят ишени ҳал қилувчи орган сифатида суд мавжуд эмас;
- г) жиноий жараёни ушбу босқичда ҳал қилиш функцияси судга тегишли эмас, балки тергов органлари ва прокурорга тегишлидир²⁸.

Шунингдек, айблов, ҳимоя ва суд муҳокамаси функцияларининг амалда бўлган тақсимланиши дастлабки терговда тортишув принципини жорий этишни инкор этилишига оид муаллифлар қуйидаги фикрни билдирганлар: “Дастлабки терговда терговчи ва айбланувчи ўртасидаги тортишув ҳақида жиддий гапириш мумкин эмас, чунки дастлабки терговда айблов, ҳимоя ва ишени ҳал этиш функциялари мавжуд эмас”²⁹.

Бироқ, замонавий юридик фани айни вақтгача жиноят судлов ишларини юритишнинг оптимал шакли ҳақида, жумладан жиноят процессининг тортишув модели, маслаҳат судини жорий этиш, тергов судлари институтининг имкониятларини баҳолаш ва бошқалар юзасидан етарли татқиқ қилинмаган. Бундан ташқари, дастлабки тергов органлари устидан суд назоратини ўрнатиш (масалан, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси юзасидан судга шикоят қилиш, қамоқда сақлаш муддатини узайтириш)³⁰ ҳақидаги таклифларга етарли эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Назаримизда, ишени судга қадар юритиш босқичидаги тортишув принципини терговчи ва прокурорнинг процессуал ҳолати ҳамда прокурор назоратининг моҳиятига асосланган ҳолда кенгроқ доирада кўриб чиқиши лозим. Агар тортишувни процесс иштирокчилари нуқтаи назарларини ифодалаш услуби сифатида қаралса, у янада катта ҳажмга эга бўлади. Жабрланувчи, терговчининг ҳаракатлари ноқонуний деб ҳисобласа, ўзининг қонунда белгиланган имкониятларига асосланиб, терговчининг жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят келтириш, юзлаштириш ўтказиш

²⁸ Божьев В.П. Состязательность на предварительном следствии // Законность. 2004. № 1. С. 3.

²⁹ Дюрагин Н. Дискуссионные вопросы реформы уголовного судопроизводства. // Юстиция. -1989. -№7. -Б.9.

³⁰ Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: –Т.: Адолат, 2005. –Б.7.

ҳақида илтимоснома бериш ва бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Бу каби ҳолатларда процесс иштирокчилари баҳсга киришадилар, ўз талаблари ва қабул қилган қарорларини асослайдилар³¹.

Юқоридаги иккала позицияни қисман тўғри дейишимиз мумкин, гарчи улар бир-бирига қарама-қарши бўлса ҳам. Дарҳақиқат, жиноят процесси томонлари процесснинг барча жараёнларида ҳам мавжуд эмас. Масалан, жиноят ишини кўзғатиш ва ҳукми ижро этиш каби жараёнларда томонлар йўқ, чунки ҳуқуқий тортишув ва курашлар бўлмайди. Аммо, биз ишонамизки, жиноят процессининг судда иш юритув босқичидан ташқари, ишни судга қадар юритишда ҳам тортишув принципи амал қилади.

Хусусан, ишни судга қадар юритиш босқичида **томонлар** (айблов томон - терговчи, суриштирувчи, прокурор, жабрланувчи; ҳимоя тарафлари гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи) мавжуд. Ушбу босқичда жиноят процесси иштирокчилари ўртасидаги низони кўриб чиқадиган мустақил суд ҳам бор. Агар биз тортишув тамойили моҳиятини баҳс-мунозарали тартибда далилларни текшириш ва томонларнинг ўз позицияларини ҳимоя қилиш, суд низоли ҳаракатларга баҳо беради деб ҳисобласак, ишни судга қадар юритиш босқичида ҳам тортишув тамойили амалга ошади деган хулосага келишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, судга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ асосий функцияларини бажаришдан ташқари, дастлабки тергов ва суриштирув органларининг процессуал фаолияти устидан суд назоратини амалга ошириш, хусусан, дастлабки тергов органларининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораларини ва суд қарорини талаб қиладиган бошқа эҳтиёт чораларини танлаш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш ваколати берилган. Шунингдек, шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатларини ўтказишга руҳсат бериш ҳуқуқи ҳам мавжуд.

³¹ Смирнов В.П. Противоборство сторон как сущность принципа состязательности уголовного судопроизводства. // Государство и право. -1998. -№3. –Б. 58-63.

Дастлабки тергов ва суриштирув органларининг процессуал фаолияти устидан суд назорати Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, шунингдек бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бундан ташқари, қонунчиликнинг баъзи қоидаларини қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги қарори мавжуд.

1966-йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ, "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга" лигини эътироф этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги дастлабки тергов ва суриштирув органларининг процессуал фаолияти устидан суд назорати предмети ва чегараларини сезиларли даражада ўзгартирди.

Дастлабки тергов босқичида амалга оширилган суд назорати ҳақида гапирганда, адолатни амалга ошириш учун мўлжалланган суд тизимининг вазифаси эканлигини таъкидлаш керак.

Шу билан бирга, айрим муаллифлар суд назоратини суднинг муайян қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш бўйича жиноят-процессуал функцияси сифатида қарайдилар, бошқалар эса суд томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш мақсадида профилактик хусусиятга эга бўлган текширув тадбирлари тизимини амалга ошириш³² - деган хулосага келишади. Бизнинг фикримизча, дастлабки тергов органлари ва прокурорнинг процессуал қарорлари ва ҳаракатларининг (ҳаракатсизлиги) қонунийлиги ва асослилиги устидан суд назорати жиноят процесси иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқларини чеклайдиган ёки

³² См.: Изотова О.В. Проблемы судебного контроля при возбуждении и предварительном расследовании уголовных дел: дис. ... канд. юрид. наук. М., 1996; Андреев К.В. Процессуальные полномочия следователя и прокурора в рамках судебно-контрольных производств, реализуемых на досудебном этапе уголовного судопроизводства России: автореф. дис... канд. юрид.наук. Волгоград, 2012. С. 28.

дастлабди тергов органлари томонидан бузилган ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилишни англатади. Яъни, жиноий жараённинг ушбу босқичида суд назорати предмети ҳар доим инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати икки турга бўлиниши мумкин: профилактик (олдини оловчи) ва фавқулодда³³.

Дастлабки тергов ва суриштирув органларининг процессуал фаолияти устидан профилактик суд назорати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган шахснинг асосий конституциявий ҳуқуқларини (эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, инсоннинг шаъни ва кадр-қимматининг ҳимояланиши) чеклаш зарур бўлган ҳолларда амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 166²-моддасига мувофиқ, телефон ва бошқа сўзлашувларни эшитиш, почта, телеграф ва бошқа хабарларнинг хатлаш тўғрисидаги суд ажрими. Мазкур тергов ҳаракатларини ўтказишга руҳсат бериш, ярашув, амнистияга асосан жиноят ишларни тугатиш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқишда ҳар доим ҳам тарафлар иштирок этмайди ва шу сабабли ушбу суд жараёнларида тортишув амалга оширилмайди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексида профилактик суд назорати 28 ва 29-бобларида ўрин олган бўлиб, унда эҳтиёт чоралари ва шахсни лавозимидан четлаштириш ҳамда уларни амалга ошириш тартиби кўрсатилган бўлиб, мазкур иш суд жараёнида кўрилаётганда тарафлар сифатида прокурор ҳамда ҳимоячи тортишув тамойилига кўра ўзларининг позицияларини қўллаб-қувватлайдилар. Яъни прокурор қамоққа олиш, уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш (қамоққа олиш, уй қамоғи эҳтиёт чораси муддатини узайтириш), шахсни лавозимидан четлаштириш зарурлигини асослаб берса, ҳимоячи ёки айбланувчи (гумон қиливчи) ушбу ҳуқуқий мажбурлов чораларни қўллашни

³³ Герасимова Татьяна Юрьевна Проблемы реализации принципа состязательности на досудебных стадиях уголовного процесса: дис. ... канд. юрид. наук. Краснодар – 2017

рад этади, суд эса тарафларни эшитган ҳолда тегишли тартибда ажрим чиқаради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддасида фуқароларнинг давлат органари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай қарорлари ва хатти-ҳаракатлари юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасида ҳам процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақли эканликлари белгиланган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари юзасидан фақатгина прокурорга ёки юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши белгиланган бўлиб, уларнинг ҳаракатлари юзасидан кейинчалик судга шикоят қилиниши кўрсатилмаган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинларини судга қадар иш юритиш босқичида ҳам ҳимоя қилиш мақсадида жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсларнинг ва давлат органларининг қарорлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари устидан судга шикоят қилиш тартиби белгиланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида: “Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда. Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик

мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади³⁴” - деб таъкидлаган.

Ушбу жараёнда судья жиноят процессининг юқорида кўрсатилган иштирокчиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорларининг қонунийлигини ва ҳақиқийлигини текширади. Шу билан бирга, суд арз қилувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва қарори устидан шикоят қилинган бошқа шахсларнинг иштирокида иш кўриб чиқилади. Шундай қилиб, аризачиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш жараёнида фавқулодда суд назорати амалга оширилади. Мазкур жараёнда ҳимоя ва айблов иштироки яққол кўриниб турибди. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят ишини кўзғатиш, жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш, жиноят иши терговини тўхтатиш, тафтиш тайинлаш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорлари устидан жиноят иши юритилаётган ҳудуддаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига арз қилувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили ёки вакили томонидан шикоят берилиши мумкин.

Айрим ҳолларда (масалан, жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш) устидан жиноят иши кўзғатилган шахс, ҳимоячи ва унинг вакили ҳимоя томон, прокурор ёки тергов органининг раҳбари эса айблов томон бўлади. Жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинган тақдирда, ариза берувчи айблов томон ва жиноий иш кўзғатишни рад этган шахс ҳимоя томон бўлади. Жиноят процессининг ушбу босқичида суд шикоят қилинган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади. Аризачи иккинчи томоннинг хатти-ҳаракати ёки қарорини ноқонуний эканлигини, иккинчи томон эса

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. www.xs.uz/ru. №254 (7453) 2019 йил 8 декабрь.

аризачининг арзи асоссиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Суд тегишли мансабдор шахснинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ёки қарорини ноқонуний ёки асоссиз деб топиш ҳамда қонунбузилишини бартараф этиш мажбурияти тўғрисида ёки шикоятни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ўз навбатида, ишни судга қадар юритиш босқичида тортишув принципи иштирокчиларга берилган ваколатлар доирасидаги ҳаракатларни амалга ошириш орқали юзага келади деган хулосага келишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддаси шахсларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқи, дастлабки тергов органларининг қамоққа олиш (уй қамоғи,) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамоққа олиш (уй қамоғи,) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш муддатини узайтириш, шахсни лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни қўлаш бўйича илтимоснома юзасидан кўриладиган суд иш юритуви жараёнлари аниқ мисол бўла олади. Чунки, суд мажлисида қатнашган томонлар ўзларининг позицияларини қўллаб-қувватлаш учун қарама-қарши томоннинг манфаатларини инкор этувчи далилларни тақдим этишади.

Хулоса қилиб айтганда юқоридаги фикрларни инобатга олиб, шунини айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 25-моддаси 1-қисмини қуйидаги тарзда ифодалаш мақсадга мувофиқ саналади:

“Судларда ишларнинг кўрилиши тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.”

Изоҳ сифатида юқорида айтиб ўтилганидек, ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати институтининг киритилиши муносабати билан ушбу босқичда ҳам айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш, шахсга муайян мажбурлов чорасини қўллашга руҳсат олиш суд мажлисида амалга оширилиб, ушбу суд мажлисида ҳам тортишув принципига риоя қилинади.

Шунингдек, айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш (телефон сўзлашувларини эшитишга рухсат олиш), жиноят ишини тугатиш (ярашув, амнистия) ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқишда ҳар доим ҳам тарафлар иштирок этмайди ва шу сабабли ушбу судларда тортишув бўлмайди.

Шу билан бирга, амалдаги жиноят-процессуал кодексига “Жиноят ишини юритаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат(ҳаракатсизлик)лари ва қарорлари устидан шикоят қилиш” тўғрисидаги янги боб ва ушбу бобга *“Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал ҳаракат (ҳаракатсизлик)и ёки қарори устидан судга шикоят қилиш”* тартибини назарда тутувчи моддани қўшимча тарзда киритиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу бобнинг киритилиши мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиб, ягона суд-тергов амалиётини таъминлашга хизмат қилади ва тарафлар тортишуви принципини такомиллашувига сабаб бўлади.

2.2. Ҳимоя ҳуқуқини кенгайтириш тортишув принципини таъминлаш воситаси сифатида

Тортишув принципи тортишув фаолият субъектлари томонидан уларнинг процессуал функцияларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ваколатларини тўққинликсиз амалга ошириш имкониятини назарда тутди. Шунингдек, жиноят процессида тортишув принципининг амалга оширилиши гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)нинг қонунда белгилаб берилган ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди, ҳимоя қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ўзаро муносабатларида мувозанатни таъминлайди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида, ҳимоячининг ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, улар қуйидагилар саналади:

гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда,

шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш;

бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш;

ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш;

ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далилларни тўплаш ва тақдим этиш;

гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш;

агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сирлари ёки бошқа сирли ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш;

суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш;

агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда сақланаётган ёки уй қамоғида бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-модда 2-қисмига мувофиқ, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, бу ҳимоячининг ишга доир далилларни тўплашда етарли ваколатга эга эмаслигини кўрсатади.

Жиноят процессидаги тортишув моҳиятидан келиб чиқсак, ҳимоячининг бугунги кундаги ваколатлари ушбу принципни рўёбга чиқариш учун етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Хусусан, бу борада ўтказилган сўров натижасига кўра, иштирокчиларнинг (132 та) 73,4% адвокатлар бўлиб, улар “Жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичида тортишув принципини таъминлаш учун ҳимоячиларга тенг шароит мавжудми?” деган саволга “йўқ, қонунчилик ва амалиётда муаммолар бор” (70,8%)³⁵ дея жавоб беришган бўлиб, бу фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Қонунчилик ва амалиётдаги муаммоларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳимоячининг ҳимояга оид фаолиятини амалга оширишда дуч келаётган тўсиқлар, ҳимоя ва айблов ҳуқуқларининг тенг эмаслигига оид бир қатор масалалар мавжуд бўлиб, кўйида уларни таҳлил қиламиз:

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессининг тортишув модели қарама-қарши томонларнинг муайян ваколатлар орқали амалга ошириладиган вазифаларини фаол равишда бажаришни назарда тутди. Шу нуқтаи назардан, ҳимоячи томонидан ўзига берилган ваколатларни, маълум процессуал хатти-ҳаракатни амалга оширишнинг фаол шакли ва маълум бир механизми, процессуал имкониятни рўёбга чиқариш воситаси мавжуд бўлишини талаб қилади. Бундай восита адвокатнинг илтимосномасидир.

Бир томондан, илтимоснома бу дастлабки тергов босқичида жиноят ишида қатнашган ҳимоячининг ваколатларидан биридир, аммо бошқа томондан бу ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусият, аслида, ҳимоячига мустақил ваколат бўлиб, у амалиётда ҳимоячи томонидан бошқа барча процессуал ваколатларни амалга оширадиган ягона воситани англатади

³⁵ Ижтимоий тармоғи орқали ўтказилган сўров натижалари

дейишимиз мумкин. Дарҳақиқат, тергов ҳаракатларида ҳимоячининг иштироки кўпинча ҳам турли хил илтимосномаларни билдириш билан бирга келади. Хусусан, Жиноят процессуал кодексининг 53-моддасига биноан, ҳимоячи ҳимоя остидаги шахснинг иштирокисиз ўтказиладиган тергов ҳаракатларида терговчининг рухсати билан иштитирок этиши мумкин.

И.В Ревина “Дастлабки тергов босқичида ҳимоячи илтимосномаси унинг бутун процессуал фаолияти натижаси, миждознинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўрсатиладиган ёрдамнинг энг аниқ ифодаси ва унинг ушбу босқичидаги иштирокининг самарадорлигини ифодалайди”³⁶ - деб таъкидлайди. Лекин, биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Чунки, бир томондан, илтимоснома дастлабки тергов босқичида адвокатнинг энг кўп амалга ошириладиган ваколатларидан бири бўлиб, бошқа ваколатларни амалга ошириш воситаси сифатида ва тортишув жараёнида ҳимояни амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бошқа томондан, амалиётда ушбу ваколатни ва қонунчиликда белгиланган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширилиши жуда муаммоли бўлиб, бунинг бир неча сабаблари бор.

Биринчидан, ҳимоячи томонидан берилган илтимосномани ҳал қилиш терговчи, суриштирувчининг иродаси ва хоҳишига тўлиқ боғлиқлиги ва тортишув жараёнидан олиб қарайдиган бўлсак, бир томоннинг функцияси бошқа томоннинг функциясига тўғридан тўғри алоқадорлигидир. Т.Г.Морщакова тўғри таъкидлаганидек, “Жиноий ишда ҳимоя бўйича ҳимоячи амалга ошириши мумкин бўлган кўп нарса ҳокимият соҳасида, давлат айбловчиларининг ваколати, қабул қиладиган қарорлари доирасига боғлиқ. Агар бошқа томон розилик билдирмаса, адвокатнинг сўрови қабул қилинмайди ёки жиноий иш материалларига қўшилмайди”³⁷.

³⁶ Ревина И.В. Этическая природа взаимоотношений адвоката со следователем при заявлении ходатайств в досудебном производстве // Российский следователь. – 2006. – № 5. – С. 8.

³⁷ Выступление члена СПЧ, судьи КС РФ в отставке Тамары Георгиевны Морщаковой [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.fparf.ru/news/all_news/news/15817.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддаси 2-қисмига кўра, терговчи тергов йўналиши ва тергов харакатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, мустақил равишда қабул қилади, бошқача қилиб айтганда, ҳимоячи томонидан қилинган муурожаатнинг ҳал этилиши терговчининг ихтиёрига тўла боғлиқлигини англашимиз мумкин.

Тортишув фаолияти субъектининг хоҳиши тортишув моделининг табиий маҳсули эканлиги тўғрисида фикрга эга бўлган олимлар Г.А Печников, В.Г. Волколупов ва Г.И. Купавцев, "Жиноят иши бўйича қарор қабул қилиш доирасидаги тортишув шакли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимининг (судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи) шахсий хоҳиши (иродаси) билан чамбарчас боғлиқ"³⁸-деб таъкидлашади. Жиноят процессининг тортишув модели доирасида терговчи (айбловнинг ҳар қандай бошқа субъекти) ўзининг айблов функциясини бажариб, қонун томонидан унга берилган барча ваколатлардан, шу жумладан ўз хоҳишига кўра ҳимоячи томонидан тақдим этилган илтимосномаларни қабул қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Хусусан, ҳимоячи томонидан дастлабки тергов босқичида терговчига экспертиза тайинлаш бўйича келтирган илтимосномани рад қилиниши амалиётдаги муаммолардан бири саналади. Биринчидан, қонунчиликда ҳимоячининг экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаси юзасидан ўтказиладиган экспертизанинг харажатларининг қай тартибда, ким томонидан қопланиши акс эттирилмаган бўлиб, бу эса терговчининг ҳимоячи илтимосномасини рад қилиш эҳтимолини кучайтиради. Иккинчидан, агар ҳимоячининг илтимосномасини қондириш кейинчалик жиноий жавобгарликка тортиш учун қулай бўлган ишнинг ҳал қилинишига салбий

³⁸ Печников Г.А., Волколупов В.Г., Купавцев Г.И. Об усмотрении следователя и ходатайствах защитника в уголовно-процессуальном кодексе Российской Федерации // Вестник Волгоградской академии МВД России. – 2016. – № 3 (36). С. 139.

таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, унда юқори эҳтимоллик билан терговчи бундай талабни қондирмайди.

Ҳозирги жиной иш юритишнинг тортишув моделида, терговчи томонидан айблов вазифасини бажаришда ҳимоячининг талабларини доим қўллаб-қувватлашни талаб қилиш мумкин эмас. Чунки, қонунчилик даражасида бир қатор ҳимоя талабларини мажбурий қондириш талабининг киритилиши тортишув шаклидан чиқиш ҳисобланади. Бу вазиятда процессуал субъектлар мустақил саналади. Терговчи ҳимоячининг барча талабаларини бажариб, ўзининг функциясини рад эта олмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 180-моддасига кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқариш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, ушбу қарорда акс эттириладиган эксперт олдиға қўйилган саволлар ишға айблов томоннинг субъектив тарзда ёндашишидан келиб чиқиши мумкин.

Шу сабабли, қонунчиликда ҳимоячининг далилларни тўплаш билан боғлиқ ваколатларини кенгайтиришимиз мақсадға мувофиқ. Жумладан, ҳимоячига шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг хулосасини олиш ҳуқуқини бериш лозим бўлиб, ушбу ҳуқуқни амалиётда қўллаш имконияти мавжуд. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 йилги № ПҚ-4125-сонли “Суд-экспертиза фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида суд-экспертиза фаолиятини тезлик билан ривожлантириш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини амалға ошириш бўйича ҳуқуқий асосларни шакллантириш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари каби функцияларни амалға ошириши, улар каби ҳуқуққа эға бўлиши, мажбуриятларни бажариши ва жавобгар ҳисобланиши, қарорнинг №1-сонли иловасида нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишиға

рухсат берилган суд экспертизалари турларининг рўйхати келтириб ўтилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий жужжатга асосланиб, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига акс эттириш лозим.

Хусусан, ушбу кодекснинг 174-моддасига “Эксперт сифатида давлат ва нодавлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин” тарзида, 182-моддасига эса “Давлат ва нодавлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда экспертиза ўтказиш” тарзида кўшимча кириш ҳимоячининг ҳам экспертиза хулосасини мустақил равишда олиш имкониятини таъминлайди. Ушбу ҳуқуқ ҳимоячининг ҳимояга доир ҳаракатлари иккинчи томонга боғлиқ бўлиб қолишини олдини олади ва ҳимоячи дуч келаётган тўсиқларни бартараф этишга ҳизмат қилади.

Шунингдек, бугунги кун амалиётида тортишув принципи нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, айблов ва ҳимоя томон ҳуқуқлари ўртасида номутаносибликларни кўришимиз мумкин. Миллий қонунчилик далилларни тўплашда тўлиқ давлат-ҳокимият, шу жумладан, процессуал ваколатларни анъанавий тарзда фақат жиноят ишларни юритишда масъул бўлган иштирокчиларга берган. Улар далилларни тўплашни қонунчиликдан ўрин олган барча, шу жумладам, тинтув, шахсий тинтув, олиб қўйиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали тўплайдилар³⁹. Ҳимоячи эса шахсларга саволлар бериш, давлат органлари ва мансабдор шахслардан тегишли тушунтиш, тавсиянома ва маълумотномаларни олиш каби ҳуқуқлардан фойдалана олади. Бу шуни кўрсатадики, жиноят процессида адвокатнинг тенг ҳуқуқлигининг процессуал кафолатларини жиддий равишда кучайтириш лозим”⁴⁰.

Албатта, терговчи ва ҳимоячининг ҳуқуқларининг тенглигини кўриб

³⁹ Пулатов Ю.С., Тулаганова Г.З. Тергов ҳаракатларида ҳимоячи иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮУ.2018. -276.;

⁴⁰ Выступление члена СПЧ, судьи КС РФ в отставке Тамары Георгиевны Морщаковой [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.fparf.ru/news/all_news/news/15817;

чиқишда уларнинг ўзаро муносабатларидаги ахлоқий томонни ҳам эслатиб ўтиш керак. И.В. Ревина ҳимоячининг терговчи билан бўлган муносабатларининг ахлоқий моҳиятини ўрганиб чиқиб, тергов органларининг айрим ходимлари томонидан баъзан терговнинг ахлоқий нормаларга мувофиқ эмаслиги, хусусан, дастлабки тергов босқичида терговчининг ҳимоячи аҳамияти тўғрисида тушунчаси йўқлигини⁴¹ таъкидлайди. Шу сабабли, тергов идораларида ҳимоячининг ўзига хос хусусиятлари ва дастлабки тергов босқичидаги роли тўғрисида тегишли маълумотга эга бўлиш, ҳимоячининг моҳиятини жинойтчиларни "яширувчи" сифатида эмас, балки мустақил профессионал юрист маслаҳатчиси, айбланувчи, гумон қилинувчи шахсларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали адолатсизликларни олдини олишга имкон берадиган иштирокчи сифатида тушунтириш мақсадга мувофиқ саналади.

Шунингдек, Г.З. Тўлаганова таъкидлаганидек, "Касбий негилизм суриштирувчи ва дастлабки терговни олиб бораётган ходимларнинг шахсларга ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш мажбуриятини номуносиб тарзда адо этишларида намоён бўлади. Амалиёт ходимлари мулоқотлар натижасида дастлабки тергов органларининг айрим ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан уларга "адвокат керак эмаслиги ва энг яхши адвокат терговчи эканлиги" борасида руҳий тазйиқ ўтказиш ҳолатлари ҳам маълум бўлади. Бундай ҳуқуқий негилизмдан халос бўлишнинг энг тўғри усули - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг ҳуқуқий онгини тубдан ўзгартириш ва касбий тайёргарлигини юксалтиришдан иборат"⁴². Шу билан бирга, ҳимоячиларнинг ҳам касбий ва ахлоқий фазилатларини ошириш, уларни билим, кўникма ва маҳорат даражасини ошириш ҳам муҳим вазифалардан биридир.

⁴¹ Ревина И.В. Этическая природа взаимоотношений адвоката со следователем при заявлении ходатайств в досудебном производстве // Российский следователь. – 2006. – № 5. – С. 8-9

⁴² Г.З.Тўлаганова. Жинойт-қонунчилигини янада такомиллаштириш имкониятлари.-2004. 41-бет.

Юқорида келтирилган муаммолардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, дастлабки тергов босқичида ҳимоячи тортишув фаолиятининг бошқа иштирокчиларидан фарқли ўлароқ кенг ваколатларга эга эмас. Шу сабабли, ҳимоячига процессуал ҳужжатлар тизимида мавжуд бўлган илтимоснома билан бир қаторда, бошқа процессуал ҳужжатлар ҳам бўлиши керак.

Хусусан, сўнгги пайтларда илм-фан соҳасида дастлабки тергов натижаларини умумлаштиришни рад этишга оид қарашлар вужудга кела бошлади, чунки барча далиллар томонларнинг ҳар бири томонидан тақдим этилиши ва суд томонидан оғзаки ва тўғридан-тўғри суд муҳокамасида, тортишув шаклида кўриб чиқиши керак. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 379-моддасига мувофиқ, терговчи ишни судга юбориш учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги фикри ўзгармаган бўлса, айблов хулосаси тузади. Айблов хулосасида терговчи айбланувчининг айби ва жиноятнинг ҳуқуқий тавсифлари баён этилган ва жиноят ишини судга юбориш тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат ҳужжат бўлиб, жиноят ишига қўшиб қўйилиб, суд жараёнида судланувчини айблаш учун асос бўлади.

Фикримизча, тортишув принципида тарафлар тенглигини тўлиқ таъминлаш учун дастлабки тергов органи томонидан тузилган айблов хулосаси билан бир қаторда, адвокат сўрови(илтимоснома) билан олинган маълумотлар натижалари, эксперт хулосаси, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айбсизлиги баён қилинган ҳимоя тарафидан келтирилган далилларни ўз ичига олувчи **ҳимоя хулосаси** бўлиши керак.

Ҳимоя хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида: айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар, айбланувчининг айбдор эмаслигини тасдиқловчи далиллар, маълумотлар, уларнинг натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда ҳимоянинг мазмуни асослантирилган тарзда баён қилинади: айбланувчининг қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги,

агар шахснинг қилмишида жиноят аломатлари мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси, айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ва ҳимояга оид бошқа шу каби ҳолатларни келтириши мумкин. Мазкур процессуал ҳужжат жиноят ишига қўшиб қўйилиши керак.

Юқорида келтирилган фикрлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартириш ва қўшимча киритилишини тақозо қилади, хусусан, ҳимоячи ҳуқуқини назарда тутувчи моддага қўшимча киритиш, ҳимоя хулосасини тузиш тартиби ва шаклига қўйиладиган талабларни белгилаш лозим.

2.3. Судда иш юритиш босқичида тортишувни такомиллаштириш масалалари

Жиноят процессининг энг муҳим ва асосий босқичи суд муҳокамаси босқичидир. Айнан шу босқичда жиноят иши юзасидан тўпланган барча далиллар ошкора, оғзаки ва бевосита текширилади ҳамда узил-кесил баҳоланади. Шунингдек, фақат судда жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбдорлик масаласи ҳал этилади, унга нисбатан ҳукм чиқарилади.

Суд фаолияти мустақил ва фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунларга бўйсуниб, ошкоралик, тарафлар тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, айбсизлик презумпцияси каби принципларга ва жиноят процессининг бошқа демократик асосларига таянади⁴³.

Жиноят ишини судда кўриш ва ҳал этиш (*in iudicio* - лот.) функцияси фақат суд томонидан амалга оширилади. Бу шуни англатадики, давлатнинг айбланувчини жиноят содир этишда айбдор ёки айбсиз деб топишга ваколатли ягона орган суд ҳисобланади⁴⁴.

Маълумки, жиноят ишининг судга келиб тушиши суд муҳокамасини

⁴³ Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.13.

⁴⁴ Смирнов А. В., Калиновский К. Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. А. В. Смирнова. -СПб.: Питер, 2004. – Б. 497.

юзага келтиради. Прокурорнинг ишни судга юборганлиги айблов хулосаси билан келишганлигидан далолат беради. Шунинг учун прокурор суддан айбловни асосли деб топилиши ва судланувчига нисбатан айблов ҳукми чиқарилишини сўрайди. Аммо, айбланувчининг айбини инкор этувчи ва жавобгарлигини енгиллаштирувчи далилларсиз ишни ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли, суд муҳокамасида айблов функцияси билан бирга, процессуал жихатдан тенг ҳуқуқли бўлган ҳимоя функцияси ҳам мавжуд бўлиш керак. Бу эса тарафларнинг суд муҳокамасидаги тўқнашуви, қарама-қарши фикр ва хулосаларнинг кураши асосида ишни ҳал этиш функциясининг пайдо бўлишини тақозо этади.

Суд муҳокамасининг тарафлар тортишувига асосланган қисмини унинг энг юқори чўққиси деб тарифлаш мумкин. Суд муҳокамасининг шу қисмида тарафларнинг фикр ва хулосаларининг тўқнашуви яққол намоён бўлади. Суднинг айнан шу босқичида ҳимоя айблов тараф келтирган барча далилларнинг номақбуллиги юзасидан ўз фикрини асослаш, айблов тараф эса айблов далилларнинг асосли ва уларнинг ҳимоя далиллари ҳамда эътирозларидан устунлигини суд олдида баён этиш имконига эга бўлади.

Музокараларда давлат айбловчиси ва ҳимоячининг чиқишлари муҳим ўрин тутаяди. Чунки, процессда қарама-қарши манфаатни кўзловчи ва турли функцияларни амалга оширувчи бу икки субъект процессдаги асосий масала юзасидан тортишув олиб борувчи иштирокчилар ҳисобланади. Суд эса фақат уларнинг музокараларини эшитиб, қонунийлигини баҳолаб ишни ҳал қилиши керак.

Суд музокараси жиноят процесснинг марказий қисми бўлса, ўз навбатида, суд тергови объектив равишда жиноят ишидаги одил судлов ва унинг натижалари бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг асоси, унинг марказий бўғини бўлишга хизмат қилади. Суд терговида жиноят содир этган шахснинг айбдорлиги масаласини текшириш, одил судловнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш каби мақсадларга эришиш мумкин.

Суд терговининг муҳим хусусияти шундаки, ушбу босқичда процесснинг барча иштирокчилари дастлабки тергов материалларини таҳлил қилишда иштирок этадилар ва янги далилларни тақдим этиш имкониятига эга бўладилар. Тортишув тамойили жиноят процессининг барча босқичларида қўлланилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, суд процесси жиноий процессининг марказий қисми ва суд тергови суд процессининг муҳим босқичи бўлганлиги сабабли, ушбу босқичда тортишув тамойили аниқ шаклда амалга оширилади дея оламиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тортишув фаолиятининг моҳияти ҳар бир томонга билдирилган фикрларини исботлаш ёки бошқача қилиб айтганда, ўз позициялари ва унинг ҳаққонийлигини ҳимоя қилиш имкониятини беришдир. Бундай ҳолда, суд фақат томонларни тинглайди ва охирида низонинг моҳияти тўғрисида қарор қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига мувофиқ, исботлаш субъектларидан бири суд ҳисобланади. Хорижий мамлакатлардан, хусусан, АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатларида суд исботлаш субъекти ҳисобланмайди. У айблов ва ҳимоя томонидан тўпланган далилларни текшириб чиқиб, ишни ҳал қилади. Бунда суднинг ишни юритишда холислиги таъминланади, шу билан бирга бу ўз-ўзидан тортишувнинг моҳиятини ҳам англатади. Суднинг прокурор, терговчи ва суриштирувчи ёки ҳимоячи билан манфаатлари бир хил бўлиши олди олинади. Жиноят процессуал кодексининг 409-моддага кўра, прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, бу орқали ўзининг айблов функциясини амалга оширади. Ҳимоячи эса судда судланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш орқали ҳимоя позициясида туради. Суд эса процесснинг иштирокчиси ва жиноят процессуал фаолиятининг субъекти сифатида жиноий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиши керак. Тортишув жараёнида судга далил тўплаш ва ишнинг ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланмаслиги керак, ҳатто бу ҳақиқатни аниқлашни талаб қилса-да. Суд томонлар тақдим этган далилларнинг

алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳолаши мумкин.

Аввалги тартибдаги жиноят процессидан маълумки, суд тергови суд мажлисида раислик қилувчининг айблов хулосани эълон қилишидан бошланган. Амалиётда юзага келган бундай процессуал номутаносиблик, сўзсиз суднинг бетарафлиги ҳамда тортишувчилик принципини амалга оширишда давлат айбловчисининг айблов хулосасига нисбатан сушт позицияда қолишига имкон яратган. Чунки, юқоридаги ишларнинг жуда кўпида, айблов хулосаси ўқиб эшиттирилганидан сўнг, унга нисбатан судланувчининг муносабатини аниқлагач, суд муҳокамада ташаббусни ўз кўлига олган, айбловчи эса суднинг айблов юзасидан ҳаракатларини кузатиш ва маъқуллаш билан кифояланиб қолган. Суд муҳокамасининг бундай шароитида олиб борилиши, тарафларнинг тортишувни амалга оширишини қийинлаштирган⁴⁵. Ҳозирги вақтда жиноят процессида ишни қўзғатиш ва ишни ҳал қилиш функциялари ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра, суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни ёхуд айблов далолатномасида баён этилган айбловнинг мазмунини давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланиши табиийдир.

Суд судланувчиларнинг қилмишларига нисбатан муносабатини фақат ҳукм чиқарилгандан кейингина шакллантиради, шунинг учун суд ҳукми чиқарилгунгача бўлган суд босқичларида мустақиллик ва холисликни сақлаши шарт.

Суд терговида далилларни текшириб кўришдан олдин биринчи навбатда, ушбу далилларни текшириш навбатини белгилаш ҳақиқатни аниқлаш нуқтаи назаридан муҳим саналади. Далилларни текшириш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодесининг 440-моддасида белгиланган бўлиб, судланувчилардан ўз айбларига иқрорликлари ёки иқрор

⁴⁵ Мухитдинов Ф. М. Жиноят ишларини суд муҳокамасида тортишувчилик принципини амалга ошириш муаммолари: юрид.фан.ном. ... дисс. -Тошкент,1999.

эмасликлари тўғрисида сўраб бўлгач, суд *далилларни текшириш навбати* тўғрисида тарафларнинг таклифларини эшитади. Бундай навбатни суд ажримда акс эттиради. Башарти далилларни текшириш судланувчиларни сўроқ қилиш билан бошланган бўлса, улардан кейин суд жабрланувчиларни сўроқ қилади. Судланувчилар кўрсатув беришдан бош тортган ёки бошқа далилларнинг текширилишидан олдин кўрсатув беришга рози бўлмаган тақдирда жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисидаги масалани суд ишнинг муайян ҳолатларини ва тарафларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади.

Бизнинг фикримизча, суд терговида айблов томон биринчи бўлиб далилларни тақдим этиши керак, чунки айблов томонда судланувчи маълум бир жиноий қилмишни содир этилганлиги исботловчи далиллар мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам айбловчи тараф ўзи тўплаган ва айблов хулосасига киритилган барча далил ва маълумотларни судга тақдим этиши, бу далил ва маълумотларни тўғри ва холисона эканлигини судга бирма-бир асослаб бериши лозим⁴⁶. Айблов томони (прокурор, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва вакиллар)дан тақдим этилган далиллар ўрганиб чиқилгач, ҳимоячи томонидан тақдим этилган далиллар кўриб чиқилиши керак. Шундан сўнг, судланувчи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига навбат берилиши лозим. Бу ҳолатда, судга бирон-бир тарзда, тўғридан-тўғри ёки билвосита тарафлар томонидан тақдим қилинган далилларни текшириш тартибига аралаштириш ҳуқуқини бермайди.

Шунингдек, суд терговида ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини текшириш, сўроқ қилиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, экспертиза, таниб олиш учун

⁴⁶ Мухитдинов Ф. М. Жиноят ишларини суд муҳокамасида тортишувчилик принципини амалга ошириш муаммолари: юрид.фан.ном. ... дисс. -Тошкент,1999

кўрсатиш, эксперимент ўтказиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш каби тергов ҳаракатлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 442-моддасига кўра, *судланувчини сўроқ қилиш* ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қиладилар. Сўнгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин. Фикримизча, ушбу ҳолатда, судланувчининг айбига иқрорлик ёки айбига иқрор эмаслик масаласи ҳал қилинганда, уни биринчи бўлиб ҳимоя томоннинг иштирокчилари сўроқ қилиши керак. Бу томонларнинг тортишув жараёни тамойилига тўла мос келади ва айбланувчига ўзини айбловдан ҳимоя қилишига, иш ҳолатларини судланувчига ҳеч қандай психологик ва руҳий таъсир ўтказмасдан очиб беришга, шунингдек ҳимоячи томонидан келтирилган далиллар ва тушунтиришларни тўлиқ баён қилиш имконини беради. Судланувчи процесс иштирокчилари томонидан сўроқ қилинганидан кейингина, айблов томонидаги иштирокчилар уни сўроқ қилишни бошлашлари мумкин.

Шу билан бирга, ушбу моддага асосан, башарти гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига ҳимоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг ҳимоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари сўроқ қилишлари томонлар ўзларининг келтирган далилларини исботлашлари имкониятини яратади. Лекин, раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчиларининг сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар беришларига қўшилмаймиз. *Судья судланувчи, гувоҳ, экспертларни сўроқ қилаётган томон билан бир вақтда савол бермаслиги ва барча процесс*

широқчиларининг саволларидан кейин судланувчига ишдаги ҳолатларни аниқлаштириши учунгина саволлар бериши керак. Чунки, бу таклиф тортишув тамойилининг амалга оширилишида суддан айблов хулосаси ёки ҳимояга асос бўлган барча функцияларни бекор қилиб, суд ўзининг функциясини бажарашини яъни тарафларни эшитиб, холис ва бетараф сифатида ишни ҳал қилиши кераклигини аниқлатади.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтганда, суд муҳокамасининг суд тергови жараёни тортишув принципини амалга оширишнинг муҳим босқичи саналади. Хусусан, ушбу тамойилни тўлиқ таъминлаш мақсадида суд терговида амалга ошириладиган далилларни текшириш навбатини аниқ белгилаш, судланувчини тарафлар томонидан сўроқ қилиш кетма-кетлиги тартибга солиш, шунингдек суднинг процесда фаол ролини камайтириб, кўпроқ холис сифатида ишни ҳал қилиш вазифаларини қатъийлаштиришимиз мақсадга мувофиқ. Чунки, суднинг ҳаддан ташқари фаоллиги унинг жиноят процессидаги функциясидан четга чиқиши ва томонларнинг ўз ваколатларини амалга оширишларига тўсқинлик қилиши, жиноят процессида тортишув принципига мос келмайдиган, томонларнинг суд жараёни ва натижаларига таъсир кўрсатиш қобилиятини амалга ошишига ёрдам бериши мумкин.

Хулоса

Жиноят-процессуал ҳуқуқига оид юридик адабиётлар, суд амалиётини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида жиноят процессида тарафлар тортишуви билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари оид хулосалар уч қисмда баён этилади:

I. Назарий хулосалар

1. Биз тортишув принципнинг мазмуни-моҳиятини қуйидагилар ташкил этади деб ҳисоблаймиз:

1) *айблов, ҳимоя ва ишни ҳал қилиш функциялари бир-биридан ажратилганлиги, алоҳидалиги;*

2) *томонларга тенг процессуал ҳуқуқлар ва шарт-шароитлар яратилганлиги;*

3) *суд жараёнида суд функцияси айблов ва ҳимоя қилиш функцияларидан ажратилганлиги ва суднинг бетарафлиги, холислиги.*

2. Тортишув принципнинг яқка ўзи холисона ва жиноят процессида адолатни таъминлаш учун етарли бўлмайди. Агар жиноят процессида тортишув принципини мустаҳкамловчи, уни тўлдирувчи ва унга пойдевор бўлувчи бошқа муҳим принциплар мавжуд бўлмаса, у ҳаракатсиз, қуруқ шиорга айланиши эҳтимолдан холи эмас. Тортишув тамойили жиноят процессининг бошқа принциплари билан ўзаро муносабатларнинг хусусиятига қараб:

1) *бошқа принципларнинг амалга оширилишини таъминлаш механизми сифатида;*

2) *фақат маълум принциплар мавжуд бўлгандагина намоён бўлади деган хулосага келамиз.*

3. Бугунги кунда дастлабки тергов босқичида тортишув принципнинг мавжудлиги масаласи бўйича олимларнинг фикрларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) *ишни судга қадар юритиш босқичида тортишув принципи мавжудлигини инкор этиш;*

2) ушбу босқичда тортишув тамойили мавжудлигини қўллаб-қувватлаш.

Агар биз тортишув тамойили моҳиятини баҳс-мунозарали тартибда далилларни текшириш ва томонларнинг ўз позицияларини ҳимоя қилиш, суд низоли ҳаракатларга баҳо бериш деб ҳисобласак, ишни судга қадар юритиш босқичида тортишув тамойили амалга ошади деган хулосага келишимиз мумкин.

II. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасида шахсларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқи мавжуд. Лекин, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари юзасидан фақатгина прокурорга ёки юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши белгиланган бўлиб, уларнинг ҳаракатлари юзасидан кейинчалик судга шикоят қилиниши кўрсатилмаган. Мазкур тартибнинг белгиланиши ишни судга қадар юритиш босқичида тортишув принципини таъминлашга хизмат қилади. Чунки, суд мажлисида қатнашган томонлар ўзларининг позицияларини қўллаб-қувватлаш учун қарама-қарши томоннинг манфаатларини инкор этувчи далилларни тақдим этиб, баҳсга киришишади.

Шу сабабли, процессуал қонунчиликка “Жиноят ишини юритаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат(ҳаракатсизлик)лари ва қарорлари устидан шикоят қилиш” тўғрисидаги янги боб ва ушбу бобга *“Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал ҳаракат (ҳаракатсизлик)и ёки қарори устидан судга шикоят қилиш”* тартибини назарда тутувчи моддани қўшимча тарзда киритишимиз керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасига ишни судга қадар юритиш босқичида тортишув принципини назарда тутувчи қуйидаги ўзгартириш киритиш керак:

“Судларда ишларнинг кўрилиши тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.”

Чунки, дастлабки тергов органларининг камоққа олиш (уй қамоғи) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, камоққа олиш (уй қамоғи) тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш муддатини узайтириш, шахсни лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процессуал ҳаракат (ҳаракатсизлик)и ёки қарори устидан судга шикоят қилиш юзасидан кўриладиган суд иш юритуви жараёнларида тортишув принципи амал қилади.

3. *Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасига қўшимча киритиб, ҳимоячига шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг хулосасини олиш ҳуқуқини бериш ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида акс эттириш лозим. Чунки, ҳимоячининг экспертиза тайинлаш бўйича илтимосномаси рад қилиниши ҳимоячи дуч келаётган муаммолардан бири саналиб, қонунчиликда ҳимоячининг экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаси юзасидан ўтказиладиган эксперизанинг харажатлари қай тартибда, ким томонидан қопланиши акс эттирилмаган бўлиб, бу эса терговчининг ҳимоячи илтимосномасини рад қилиш эҳтимолини кучайтиради.*

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 180-моддасига кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорида акс эттириладиган эксперт олдида қўйилган саволлар ишга айблов томоннинг субъектив тарзда ёндашишидан келиб чиқиши мумкин.

4. Дастлабки терговда тарафлар тенглигидаги номутаносибликни бартараф этиш мақсадида процессуал хужжатлар тизимига айблов хулосаси билан бир қаторда дастлабки терговда адвокат сўрови(илтимосномас)га оид маълумотлар натижаси, эксперт хулосаси, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айбсизлиги баён қилинган ҳимоя тарафидан келтирилган далилларни ўз ичига олувчи *ҳимоя хулосани* бўлиши ва ушбу хужжат жиноят ишига қўшиб қўйилиши керак. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳимоя хулосасини назарда тутувчи янги моддани қўшимча тарзда киритамиз.

III. Жиноят-процессуал амалиёт учун таклифлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 440-моддасига биноан, суд далилларни текшириш навбати тўғрисида тарафларнинг таклифларини эшитади. Бундай навбатни суд ажримда акс эттиради. Лекин, бизнинг фикримизча, суд терговида айблов томон биринчи бўлиб далилларни такдим этиши керак, чунки айблов томонда судланувчи маълум бир жиноий қилмишни содир этганлиги исботловчи далиллар мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам айблов тараф ўзи тўплаган ва айблов хулосасига киритилган барча далил ва маълумотларни судга такдим этиши, судланувчининг айбдор эканлигини асослаши ва исботлаб бериши керак, сўнгра ушбу далилларга иккинчи томон эътироз билдириб ўзининг далилларини келтира олади.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 442-моддасига асосан, судланувчини сўроқ қилиш ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қилишлари керак. Фикримизча, *судланувчининг айбига иқрорлик ёки иқрор эмаслик масаласи ҳал қилинган, уни биринчи бўлиб ҳимоя томоннинг иштирокчилари сўроқ қилиши* керак. Бу айбланувчига ўзини айбловдан ҳимоя

қилишига, иш ҳолатларини судланувчига ҳеч қандай таъсир ўтказмасдан очиб беришга, ҳимоячининг далиллар ва тушунтиришларни тўлиқ баён қилишига имконият яратади.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 442-моддасига кўра, раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчиларининг сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар бериши мумкин бўлиб, биз мазкур амалиётни ўзгартириш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, суднинг процессда фаол ролини камайтириб, кўпроқ холис сифатида ишни ҳал қилиш вазифаларини аниқлаштиришимиз мақсадга мувофиқ.

Шу сабабли, судья судланувчи, гувоҳ, экспертларга уларни сўроқ қилаётган томон билан бир вақтда савол бермаслиги ва барча процесс иштирокчилари саволларидан кейин ишдаги ҳолатларни аниқлаштириши юзасидан саволлар бериши керак.

Юқорида баён қилинган тавсия ва таклифлар жиноят процессида тарафлар тортишувини таъминлашга оид процессуал қонунчилигимизни такомиллаштириш ва амалиётда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон;
- 1.2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт: 1966 йил 16 декабрда 2200 (XXI) резолюция билан БМТ Бош ассамблеясининг 1496-ялпи мажлисида қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-І-сонли «1966 йил 16 декабрдаги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш тўғрисида»ги Қарори;
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон;
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги Қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон;
- 1.5. The Code of Criminal Procedure of the Federal Republic of Germany (as amended and additional on January 1, 1993) / per. В.А. Filimonova. - М.: Manuscript, 1994;
- 1.6. French Code of Criminal Procedure of 1958 (as amended and additional on January 1, 1966);
- 1.7. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 24.04.2020);
- 1.8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 25.05.2020 г.);
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар

тўғрисидаги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда;

- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон)
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони;
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон;
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2019 й., 07/19/4125/2510-сон.

II. Президент маърузалари:

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи” газетаси. № 19(7490), 2020 йил, 25 декабрь;
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи” газетаси. №254 (7453) 2019 йил 8 декабрь.

III. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

- 3.1. Саидов Б. А. Жиноят процесси принциплари: ўқув қўлланма / Б. А.Саидов, А.Ш. Умархонов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 192 б.
- 3.2. Тўлаганова. Г.З. Жиноят-қонунчилигини янада такомиллаштириш имкониятлари. -2004. –Б.241.;
- 3.3. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.113.;
- 3.4. Пўлатов Ю.С., Тулаганова Г.З. Тергов ҳаракатларида химоячи иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮУ.2018. -276.;
- 3.5. Саломов Б. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки: Амалий қўлланма. – Т.: Адолат,2007. – 472 б.
- 3.6. Смирнов А. В., Калиновский К. Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. А. В. Смирнова. -СПб.: Питер, 2004. – Б. 497.;
- 3.7. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: –Т.: Адолат, 2005. –Б.7.;
- 3.8. Shapiro В. “Beyond Reasonable Doubt” and “Probable Cause”): Historical Perspectives on the Anglo-American Law of Evidence. –Berkeley: 1991. – Б.347.;
- 3.9. Шестакова С.Д. Состязательность уголовного процесса. СПб.: Юрид. центр Пресс, 2001. С. 304.;
- 3.10. Гуценко К.Ф. Уголовный процесс западных государств. М.: Зерцало-М, 2001. С. 329.;
- 3.11. Новик В.В. Состязательность сторон и противодействие адвоката уголовному преследованию: процессуальные и криминалистические аспекты // Вестник криминалистики. 2007. Вып. 2. С. 15.;
- 3.12. Peters К. Strafprozeb: Em Lehrbuch. -Heidelberg-Karlsruhe: 1981. –Б.371;
- 3.13. U.S. Supreme Court, McNeil v. Wisconsin, 501 U.S. 171, 111 S.Ct. 2204 (1991);

- 3.14. Зинатуллин З.З., Зинатуллин Т.З. Уголовно-процессуальные функции. – Ижевск: 2002. –Б. 129.;
- 3.15. Логунов О.В. Система принципов современного российского уголовного судопроизводства. –СПб.: 2004. –Б.231;
- 3.16. Печников Г.А., Волколупов В.Г., Купавцев Г.И. Об усмотрении следователя и ходатайствах защитника в уголовно-процессуальном кодексе Российской Федерации // Вестник Волгоградской академии МВД России. – 2016. – № 3 (36). С. 139.

IV. Автореферат, диссертация ва монография

- 4.1. Мухитдинов Ф. М. Жиноят ишларини суд муҳокамасида тортишувчилик принципини амалга ошириш муаммолари: юрид.фан.ном. ... дисс.-Тошкент,1999;
- 4.2. Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш: юрид.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2010;
- 4.3. Базарова Д.Б. Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса: дисс. ... канд. юрид. наук. –Тошкент, 2011;
- 4.4. Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари: юрид.фан.ном. ... дисс. –Тошкент, 2005;
- 4.5. Герасимова Татьяна Юрьевна Проблема реализации принципа состязательности на досудебных стадиях уголовного процесса: дис. ... канд. юрид. наук. –Краснодар, 2017;
- 4.6. Отчерцова О. В. Проблемы реализации принципа состязательности в деятельности адвокат-защитника на стадии предварительного расследования: дис. ... канд. юрид. Наук. Москва, 2017;
- 4.7. Изотова О.В. Проблемы судебного контроля при возбуждении и предварительном расследовании уголовных дел: дис. ... канд. юрид. наук. М., 1996;
- 4.8. Андреев К.В. Процессуальные полномочия следователя и прокурора в рамках судебно-контрольных производств, реализуемых на досудебном

этапе уголовного судопроизводства России: автореф. дис... канд. юрид.наук. Волгоград, 2012;

V. Илмий журналлар ва даврий нашрлар:

- 5.1. Тўлаганова Г.З. Дастлабки терговда тортишув //Адвокат. – 2006. - №4. – 9 б.;
- 5.2. Қодиров Р. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади. “Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнал. №3, 2009. В. 8-12;
- 5.3. Хайриев Н.И. Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш жараёнларининг замонавий ҳолати // “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусидаги Ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2014. – Б. 449-452.;
- 5.4. William T. Pizzi, The American "Adversary System"?, 100 W. Va. L. Rev. 847 (1998), available at <http://scholar.law.colorado.edu/articles/647>.;
- 5.5. Жамборов М.С. Конституционный принцип состязательности как способ аргументированного обоснования правовой позиции сторон в Российском судопроизводстве // Актуальные проблемы российского права. 2013. № 4. С. 424.;
- 5.6. Смолькова И.В. Принцип состязательности в российском уголовном судопроизводстве// Избранные статьи. Иркутск: БГУЭП, 2014. С. 94;
- 5.7. Логунов О.В. Система принципов современного российского уголовного судопроизводства. –СПб.: 2004. –Б.29;
- 5.8. Головки Л.В. Постсоветская теория судебного контроля в досудебных стадиях уголовного процесса: попытка концептуального переосмысления // Государство и право. 2013. № 9. С. 29;
- 5.9. Давлетов А.А. Проблема состязательности решена в УПК РФ неудачно // Российская юстиция. 2003. № 8. С. 22;
- 5.10. Божьев В.П. Состязательность на предварительном следствии // Законность. 2004. № 1. С. 3.;

- 5.11. Абдумажидов Ғ.А. Конституция ва суд мустақиллиги – адолат гарови.
// Давлат ва ҳуқуқ. -2002. -№4(12). –Б.31-35.;
- 5.12. Ревина И.В. Этическая природа взаимоотношений адвоката со следователем при заявлении ходатайств в досудебном производстве // Российский следователь. – 2006. – № 5. – С. 8.

VI.Интернет ресурслари

- 6.1. www.lex.uz
- 6.2. www.norma.uz
- 6.3. www.prezident.uz
- 6.4. www.huquq va burch
- 6.5. www.stat.uz
- 6.6. www.ziyonet.uz
- 6.7. www.disnatlib.uz
- 6.8. www.e-library
- 6.9. www.disstertant.uz
- 6.10. www.cebyrlrninka.ru
- 6.11. www.duma.consultant.ru
- 6.12. www.proquest.com
- 6.13. www.wkmigas.com
- 6.14. www.fparf.r

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 1994-йил 22-сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон;

25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 25-модда:

номи ва 1-қисми қйидаги таҳрирда баён қилинсин:

25-модда. Тортишув принципи

Судларда ишларнинг кўрилиши тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

учинчи қисми чиқариб ташлансин.

2. 53-модданинг 1-қисмига қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

“шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг ҳулосасини олиш; ҳимоя ҳулосасини тузиш;”

3. 174-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Эксперт сифатида давлат ва нодавлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин”

4. 182-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат ва нодавлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда экспертиза ўтказиш”

5. 47-боб қуйидаги мазмундаги қуйидаги моддалар билан тўлдирилсин:

388¹-модда. Ҳимоя ҳулосаси

Ҳимоячи ҳимоя ҳулосасини тузиш ҳуқуқига эга.

Ҳимоя ҳулосаси тавсиф-асослантириш ва ҳулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдор эмаслигини тасдиқловчи далиллар, ҳужжатлар, уларнинг натижалари баён қилинади.

Ҳулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда ҳимоянинг мазмуни асослантирилган тарзда баён қилинади.

Ҳимоя ҳулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Ҳимоячи ҳулосаси қаерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, ҳимоячи томонидан имзоланади”;

388²-модда. Судга қадар иш юритиш босқичида шикоятни судда кўриб чиқиш тартиби

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг:

жиноят ишини кўзғатиш;

жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш;

жиноят иши терговини тўхтатиш;

тафтиш тайинлаш;

жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорлари устидан жиноят иши юритилаётган ҳудуддаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига арз қилувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили ёки вакили томонидан шикоят берилиши мумкин.

Шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи, уларга зарар етказувчи айрим ҳаракатлари устидан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган судга шикоят қилиниши мумкин.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик)ининг қонунийлиги ва асослилиги судья томонидан аризачи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили ёки вакили, шикоят қилинган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки қарор бевосита манфаатларига дахлдор бўлган бошқа шахслар, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг иштирокида 5 суткадан кечиктирмай очиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик)лиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик)лиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқишда аризачи шикоятни асослаб беради. Шундан сўнг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади. Шундан кейин судья қарор чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича судья қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) тегишли мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёки қарори ноқонуний ёки асоссиз деб топиш ҳамда ҳуқуқбузарликни бартараф этиш мажбурияти тўғрисида;

2) шикоятни рад этиш.

Судянинг қарори нусхалари аризачига, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорга юборилади.

“Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонуни лойиҳаси бўйича

ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ

№	Амалдаги тахрир	Таклиф қилинаётган норма	асос
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси			
1	<p>25-модда. <u>Судда ишларни юритишда тортишув</u></p> <p>Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.</p> <p>Иш судда кўрилатганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.</p> <p><u>Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин.</u></p> <p>Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат</p>	<p>25-модда. Тортишув принципи</p> <p>Судларда ишларнинг кўрилиши тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.</p> <p>Иш судда кўрилатганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.</p> <p style="text-align: center;">Чиқарилмоқда</p> <p>Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни</p>	<p>Судга қадар иш юритиш босқичида суд назорати институтининг киритилиши муносабати билан ушбу босқичда ҳам айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга, шахсга муайян мажбурлов чорасини қўллашга рухсат олиш суд мажлисида амалга оширилиб, ушбу суд мажлисида ҳам тортишув принципига риоя қилинади.</p> <p>Шунингдек, айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш (телефон сўзлашувларини эшитишга рухсат олиш), жиноят ишини тугатиш (ярашув, амнистия) ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқишда ҳар доим ҳам тарафлар иштирок этмайди ва шу сабабли ушбу судларда тортишув бўлмайди.</p> <p>Шунингдек, ушбу модданинг 3-қисми чиқариб ташланмоқда, зеро биринчи инстанция суди ярашув, амнистия актини қўллаш каби прокурор илтимосномалари билан келиб тушган ишларни ҳам биринчи инстанцияда кўриб чиқади.</p>

	<p>ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.</p> <p>Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.</p> <p>Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради.</p>	<p>текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.</p> <p>Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.</p> <p>Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради.</p>	<p>Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ЖПКсининг ушбу моддага ўхшаш моддаларида ҳам бу каби норма мавжуд эмас.</p>
	<p>53-модда. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари</p> <p>Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда,</p>	<p>53-модда. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари</p> <p>Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сон қарорига асосан, адвокатларнинг процессуал ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш орқали тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини амалда рўёбга чиқариш вазифаси белгиланган. Шунга кўра, ҳимоячига шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза</p>

<p>шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далилларни тўплаш ва тақдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд</p>	<p>ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далилларни тўплаш ва тақдим этиш; шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг ҳулосасини олиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; ҳимоя ҳулосасини тузиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг</p>	<p>муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг ҳулосасини олиш ва ҳимоя ҳулосасини тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Мазкур кўшимчалар жиноят процессида ҳимоячининг ваколатларини кенгайтиришг орқали тарафлар тортишуви таъминлашга хизмат қилади.</p>
--	--	---

	<p>мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас.</p>	
2	<p>174-модда. Эксперт этиб тайинладиган шахслар</p> <p>Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.</p> <p>Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.</p> <p>Суд-тиббиёт, суд-психиатрия, суд-психология, суд-автотехника, суд-иктисодий, криминалистика</p>	<p>174-модда. Эксперт этиб тайинладиган шахслар</p> <p>Эксперт сифатида давлат ёки нодавлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.</p> <p>Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.</p> <p>Суд-тиббиёт, суд-психиатрия, суд-автотехника, криминалистика экспертизаларини фақат давлат суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, бошқа корхона, муассаса,</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 йилги № ПҚ-4125-сонли “Суд-экспертиза фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида суд-экспертиза фаолиятини тезлик билан ривожлантириш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асосларини шакллантириш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари каби функцияларни амалга ошириши, улар каби ҳуқуққа эга бўлиши, мажбуриятларни бажариши ва жавобгар ҳисобланиши, қарорнинг №1-сонли иловасида нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд</p>

	<p>экспертизаларини фақат давлат суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, бошқа корхона, муассаса, ташкилотларнинг мутахассислари ўтказди. Алоҳида ҳол экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослангирилиши лозим.</p> <p>Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиши тўғрисидаги талаби ушбу шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир.</p>	<p>ташкилотларнинг мутахассислари ўтказди. Алоҳида ҳол экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослангирилиши лозим.</p> <p>Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиши тўғрисидаги талаби ушбу шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир.</p>	<p>экспертизалари турларининг рўйхати келтириб ўтилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий жужжатга асосланиб, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида акс этирилиши лозим. Мазкур норманинг белгиланиши ҳимоячига шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг ҳулосасини олиш имкониятини беради.</p>
3	<p>182-модда. Давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда экспертиза ўтказиш</p> <p>Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ўзи чиқарган қарорни ёки ажримни, текшириш объектларини, зарур ҳолларда эса жиноят ишини ҳам давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбарига юборади. Агар қарор ёки ажримда эксперт кўрсатилмаган бўлса, ташкилотнинг раҳбари мазкур ташкилот ходимларидан қайси бири экспертиза ўтказиши тўғрисида фармойиш бериши керак. Бу ҳақда у экспертизани тайинлаган органга (шахсга) хабар беради.</p>	<p>182-модда. Давлат ёки нодавлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда экспертиза ўтказиш</p> <p>Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ўзи чиқарган қарорни ёки ажримни, текшириш объектларини, зарур ҳолларда эса жиноят ишини ҳам давлат ёки нодавлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбарига юборади. Агар қарор ёки ажримда эксперт кўрсатилмаган бўлса, ташкилотнинг раҳбари мазкур ташкилот ходимларидан қайси бири экспертиза ўтказиши тўғрисида фармойиш бериши керак. Бу ҳақда у экспертизани тайинлаган органга (шахсга) хабар беради.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 йилги № ПҚ-4125-сонли “Суд-экспертиза фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида суд-экспертиза фаолиятини тезлик билан ривожлантириш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асосларини шакллантириш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари каби функцияларни амалга ошириши, улар каби ҳуқуққа эга бўлиши, мажбуриятларни бажариши ва жавобгар ҳисобланиши, қарорнинг №1-сонли иловасида нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд</p>

<p>Давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари экспертиза ўтказишни ташкил қилади, текшириш объектларининг сақланишини таъминлайди, экспертизани ўтказиш муддатларини аниқлайди, эксперт текшируви тугаганидан сўнг хулосани, текшириш объектлари ва иш материалларини экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юборади.</p> <p>Давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари, агар мазкур ташкилотда эксперт текширувларини ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёхуд зарур моддий-техник база ёки махсус шароитлар бўлмаса, экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда экспертизани ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш; экспертизани тайинлаган органдан (шахсдан) экспертлар комиссияси таркибига ушбу ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан бошқа давлатлардан мутахассисларни, агар экспертизани ўтказиш учун уларнинг махсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Давлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари экспертизани тайинлаган органнинг</p>	<p>Давлат ёки нодавлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари экспертиза ўтказишни ташкил қилади, текшириш объектларининг сақланишини таъминлайди, экспертизани ўтказиш муддатларини аниқлайди, эксперт текшируви тугаганидан сўнг хулосани, текшириш объектлари ва иш материалларини экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юборади.</p> <p>Давлат ёки нодавлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари, агар мазкур ташкилотда эксперт текширувларини ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёхуд зарур моддий-техник база ёки махсус шароитлар бўлмаса, экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда экспертизани ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш; экспертизани тайинлаган органдан (шахсдан) экспертлар комиссияси таркибига ушбу ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан бошқа давлатлардан мутахассисларни, агар экспертизани ўтказиш учун уларнинг махсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Давлат ёки нодавлат суд-экспертиза муассасасининг ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбари экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) розилигисиз</p>	<p>экспертизалари турларининг рўйхати келтириб ўтилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий жужжатга асосланиб, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида акс эттирилиш лозим. Мазкур норманинг белгиланиши ҳимоячига шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг хулосасини олиш имкониятини беради.</p>
---	--	---

	<p>(шахснинг) розилигисиз экспертизани ўтказиш учун ушбу ташкилотда ишламайдиган мутахассисларни жалб этишга; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган кўшимча текшириш объектларини экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримсиз талаб қилиб олишга ҳақли эмас.</p>	<p>экспертизани ўтказиш учун ушбу ташкилотда ишламайдиган мутахассисларни жалб этишга; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган кўшимча текшириш объектларини экспертизани тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримсиз талаб қилиб олишга ҳақли эмас.</p>	
4.	<p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>388¹-модда. Ҳимоя хулосаси Ҳимоячи ҳимоя хулосасини тузиш ҳуқуқига эга. Ҳимоя хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдор эмаслигини тасдиқловчи далиллар, ҳужжатлар, уларнинг натижалари баён қилинади. Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда ҳимоянинг мазмуни асослантирилган тарзда баён қилинади. Ҳимоя хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Ҳимоячи хулосаси қаерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, ҳимоячи томонидан имзоланади</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарорига асосан, адвокатларнинг процессуал ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш орқали тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини амалда рўёбга чиқариш вазифаси белгиланган. Шунга асосан, ҳимоячига айблов томон билан бирга тенг ҳуқуқ бериш мақсадида ҳимоя хулосаси бўлиши керак деб ҳисоблаймиз. Ушбу тажриба, АҚШ, Қозоқистон ва бошқа МДҲ давлатларининг ЖПКсида мавжуд.</p>

5.	<p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>388²-модда. Судга қадар иш юритиш босқичида шикоятни судда кўриб чиқиш тартиби</p> <p>Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг:</p> <ul style="list-style-type: none"> жиноят ишини кўзгатиш; жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш; жиноят иши терговини тўхтатиш; тафтиш тайинлаш; жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорлари устидан жиноят иши юритилаётган ҳудуддаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига арз қилувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили ёки вакили томонидан шикоят берилиши мумкин. <p>Шунингдек, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи, уларга зарар етказувчи айрим ҳаракатлари устидан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган судга шикоят қилиниши мумкин.</p> <p>Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик)ининг қонунийлиги ва асослилиги судья томонидан аризачи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили ёки вакили, шикоят қилинган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки қарор бевосита манфаатларига дахлдор бўлган бошқа</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган маърузасида ”Прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда. Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади” деб таъкидлаган. Шунингдек, мазкур норманинг қонунчиликка киритилиши жиноят процессида ишни судгача кўриш босқичида тортишув принципини таъминлашга хизмат қилади.</p> <p>Шунингдек, мазкур норма Россия Федерацияси, Қозоғистон, Беларуссия каби давлатларнинг ЖПКсида мавжуд.</p>
----	---	---	--

		<p>шахслар, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг иштирокида 5 суткадан кечиктирмай очик суд мажлисида кўриб чиқилади.</p> <p>Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик)лиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш учун монелик қилмайди.</p> <p>Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик)лиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқишда аризачи шикоятни асослаб беради. Шундан сўнг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади. Шундан кейин судья қарор чиқариш учун алоҳида хонага киради.</p> <p>Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича судья қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:</p> <p>1) тегишли мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёки қарори ноқонуний ёки</p>	
--	--	---	--

		<p>асоссиз деб топиш ҳамда ҳуқуқбузарликни баргараф этиш мажбурияти тўғрисида;</p> <p>2) шикоятни рад этиш.</p> <p>Судянинг қарори нусхалари аризачига, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорга юборилади.</p>	
--	--	--	--

Сўров натижалари

Новая форма

Маълумотингиз?

- Ўрта
- Олий

Касбингиз (юриспруденция фаолият йўналишлари бўйича) ?

- Адвокат
- Бошқа касб вакили

Жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичида тортишув принципини таъминлаш учун ҳимоячиларга тенг шароит мавжудми?

- Ҳа, барча шароит мавжуд
- Йўқ, амалиётда муаммолар мавжуд
- Йўқ, қонунчилик ва амалиётда муаммолар мавжуд

Вопросы **Ответы** 132


132 ответа + ⋮

Принимать ответы:

Сводка Вопрос Отдельный пользователь

Маълумотингиз? 📄

128 ответов




- Урта
- Олий

] ☆ 🗨️ 👁️ ⚙️

Вопросы **Ответы** 132

Касбингиз (юриспруденция фаолият йўналишлари бўйича) ? 📄


128 ответов



- Адвокат
- Бошқа касб вакили

Жинойат процессининг судга қадар иш юритиш босқичида тортишув принципини таъминлаш учун ҳимоячиларга тенг шароит мавжудми?

130 ответов



- Ҳа, барча шароит мавжуд
- Йўқ, амалиётда муаммолар мавжуд
- Йўқ, қонунчилик ва амалиётда муаммолар мавжуд

🗨️ 👁️ ⚙️

Новая форма

"Жиноят процессида тарафлар тортишуви: муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари" мавзуси


⋮

Жиноят-процессуал кодексида "Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик)лиги устидан судга шикоят қилиш тартиби" ни белгиланишига муносабатинингиз?

- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- жавоб беришим қийин

Жиноят-роцессуал кодексида "Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки ҳаракат(ҳаракатсизлик)и устидан шикоят қилиш тартиби"ни белгиланишига муносабатингиз?

76 ответов



- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- жавоб беришим қийин


Ҳимоячига шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг хулосасини олиш ҳуқуқи бериш борасидаги таклифга муносабатингиз?

- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- Жавоб беришим қийин

Ҳимоячиға шартнома асосида жиноят иши бўйича тегишли экспертиза ўтказиш ҳақида хусусий экспертиза муассасасига мурожаат қилиш, мутахассис жалб қилиш ва унинг хулосасини олиш ҳуқуқи бериш борасидаги таклифга муносабатингиз?



77 җавоб




- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- Жавоб беришим қийин

Дастлабки терговда тарафлар тенглигидаги номуносибликни бартараф этиш мақсадида процессуал ҳужжатлар тизимиға айблов хулосаси билан бир қаторда Ҳимоячи томонидан Ҳимоя хулосаси тузилишиға доир таклифга муносабатингиз?

- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- Жавоб беришим қийин

Дастлабки терговда тарафлар тенглигидаги номуносибликни бартараф этиш мақсадида процессуал ҳужжатлар тизимиға айблов хулосаси билан бир қаторда Ҳимоячи томонидан Ҳимоя хулосаси тузилишиға доир таклифга муносабатингиз?

77 җавоб



- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- Жавоб беришим қийин




Суд терговида судья судланувчи, гувоҳ, экспертларга уларни сўроқ қилаётган томон билан бир вақтда савол бермаслиги ва барча процесс иштирокчилари саволларидан кейин ишдаги ҳолатларни аниқлаштириш учунгина уларга саволлар бериши кераклиги борасидаги таклифга муносабатингиз?

- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- Жавоб беришим қийин

Суд терговида судья судланувчи, гувоҳ, экспертларга уларни сўроқ қилаётган томон билан бир вақтда савол бермаслиги ва барча процесс иштирокчилари саволларидан кейин ишдаги ҳолатларни аниқлаштириш учунгина уларга саволлар бериши кераклиги борасидаги таклифга муносабатингиз?



78 ҷавоб



- Қўшиламан
- Қўшилмайман
- Жавоб беришим қийин